Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринларини ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони йилдан йилга ўсиб бормоқда , натижада 2013 йилда иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганилар 12523 минг кишидан иборат бўлгани холда, банд бўлганиларнинг 12,9 фоизи саноатда, 27,2 фоизи кишишоқ ва ўрмон хўжалигида , 9,3 фоизи қурилишда , 5,3 фоизи транспорт ва алоқада, 11,0 фоизи савдо ва умумий овқатланишда , 3,6 фоизи уй жой коммунал хўжалигида , 13,1 фоизи таълим , маданият , фан ва илмий хизмат кўрсатишда, 0,5 фоизи молия кредит ва сугурта тармоқларида ўз фоалиятларини олиб боришид. Шунингдек иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганиларнинг 45,7 фоизини аёллар, 54,3 фоизини эркаклар ташкил этди.¹

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 2,5 %га ўди ва 2014 йилда 12818 минг кишига етди. Аҳоли бандлиги таркибида ҳам мухим ижобий ўзгаришлар таъминланди. Агар мустакилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганиларнинг 60 %и давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2014- йилда иқтисодиётнинг надавлат секторидаги банд бўлган кишилар улуши 81,9 %ни, давлат секторида 18,1 фоизини ташкил этди.² қисич бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар – 76 %ни ташкил этди. 2014-йилда бандликнинг энг юқори кўрсаткичлари 2014 йилда Андижон вилояти 1245,07 минг киши, Самарқанд вилояти 1402,5 минг киши, Фарғона вилояти 1462,8 минг киши, Тошкент вилояти 1272,4 минг кишини ташкил этди.³

Ўзбекистон Республикасида аҳолини самарали, оқилона меҳнатда бандлигини таъминлашда республикамизнинг биринчи Президенти И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Бозор иқтисодиётiga ўтишининг Ўзбек модели” ва назарий концепциясига асосланган холда мунтазам ишлар олиб борилмоқда. Бунда республиканинг миллий, демографик хусусиятларини ҳисобга олингани холда аҳоли бандлигини таъминлашда давлат томонидан актив ва пассив сиёсат уйғунлиқда олиб борилмоқда.

Иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган иқтисодиётни тартибга солиш сиёсати уч асосий мақсадга эришишни назарда тулади:

- иқтисодиётни модернизациялаш ва бўшаб қолган ходимларни қайта тақсимлаш жараёнини жадаллаштириш;
- аҳолининг самарали ва оқилона меҳнатда бандлигини таъминлаш;
- иш қидираётгандарнинг ҳар бирини иш билан таъминлаш.

Давлат меҳнат бозорида ишли кучининг миқдор ва сифат жиҳатдан ривожланишига ишчи-ларнинг касбий тайёргарликларининг замонавий ишлаб чиқариш даражасига мувофиқлигига қаратилган тизимлаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириб бормоқда.

Буғунги кунда мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар кўйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатдош касб-хунарларга ўргатиш.
2. Ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгартериш ва диверсификация масалаларига эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташки истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тулади.

3. Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаoliyatini тақомиллаштириш, ижтимоий-иктисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан холда, аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблагларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Давлатнинг аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатининг чора- тадбирлари қўйидаги соҳалар бўйича табақалаштирилган:

¹ Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами . Тошкент-2014.

² Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами . Тошкент-2015

³ Ўзбекистон Республикасининг йиллик статистик тўплами Тошкент 2015. 63-6

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

- таъсир күрсатиш объекти бўйича (умумий ва ихтисос-лашган чора-тадбирлар);
- маблағ билан таъминлаш манбалари бўйича.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва унга таъсир күрсатиш усусларига қўйидагиларни кириш мумкин:

- бевосита маъмурӣ усуслар: қонун йўли билан тартибга солиш, меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномалари;

- бевосита иктисодий усуслар: молиявий, монетар, фискал (хазина) сиёсати.

Аҳолини иш билан таъминлашга давлатнинг таъсир кўрса-тиш усуслари:

- пассив таъсир күрсатиш – иш билан банд бўлмаган аҳолига ижтимоий ёрдам;
- фаол таъсир күрсатиш – меҳнат таклифни рағбатлантириш, меҳнатга бўлган талабни рағбатлантириш, талаб ва таклифни мувофиқлаштириш чора-тадбирлари (ахборот, маслаҳат хизмати кўрсатиш, қасбий соҳада маслаҳатлар бериши, аҳолининг камроқ ракобатбардош гуруҳлари учун бандлик дастурларини ишлаб чиқиши ва ҳ.к.), минтақаларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари ва шу кабилар (1-расм).

Давлат бандлик сиёсати доирасида меҳнат бозорини тартиб-га солишда бандлик жамғармаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Бандлик жамғармаси ҳаражатларини шартли равишида тўрт йўналиш бўйича қисмларга ажратиш мумкин:



1-расм. Меҳнат бозорида аҳолини иш билан таъминлаш усуслари

1. Ишсизлик бўйича нафақага сарфланадиган маблағлар, ишсизларга моддий ёрдам кўрсатиш, узок муддатли пенсиялар тўлаш (уларни пассив сиёсат деб аташ қабул қилинган).

2. Кайта тайёрлаш ва жамоат ишларига сарфланадиган маб-лағлар. Фаол сиёсатнинг мазкур шакли амалдаги қонунчилиқдан келиб чиқади, яъни давлат бандлик хизматлари учун мажбурий ҳисобланади.

3. Молиявий қўллаб-куватлашга қимматли қоғозлар сотиб олиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун имтиёзли кредитлар билан таъминлаш ва бошқа ҳаражатларга мўлжалланган маблағлар. Шу билан бирга "молиявий қўллаб-куватлаш" модда-сига доир ҳаражатларни меҳнат бозоридаги фаол сиёсат шаклларига киритиш қабул қилинган.

4. Бандлик хизматларини ривоҷлантириш учун мўлжалланган маблағлар (уларни таъминлаш, капитал маблағлар, реклама, "Бандлик" аҳборот хизмати).

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Давлат доимий равища фуқаролари иш билан таъминлашни ошириш сиёсатини ўтказади. Биринчидан, ишсизликнинг фрикцион ва таркибий турлари ўсганда:

- қайтадан касб ўргатади;
- таълим бериш тизимини кенгайтиради;
- бўйиш жойлари ҳақидаги ахборотларни кенг тарқатади;
- меҳнат биржаларига инвестицияларни кўпайтиради.

Иккинчидан, ишсизлик даврий хусусият касб этса, давлат бюджет, фискал, пул-кредит воситаларини ишга солади, яъни:

- иш билан таъминлашни кучайтириш учун ишлаб чиқаришга кўпроқ маблагфарифайди;
- тадбиркорнинг манфаатдорлигини ошириш учун ссуда ҳамда кредиторларнинг фоиз ставкаларини пасайтиради;

Учинчидан, давлат меҳнат бозорини ташкил этиш ва тартиб-га солиша:

- аҳоли сони, ёши ва жинсининг салмоғидаги ўзгаришларга;
- иш билан банддиқдаги тармок ва ҳудудий ўзгаришларига;
- кўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезонларига;
- ишлаб чиқариш ҳажмига, унинг ўсиши суръатига, ишлаб чиқариш таркибига;
- ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашуви каби омилларга алоҳида эътибор беради.

Давлат меҳнат муассасалари томонидан меҳнат ресурсларини ишга жойлаштириш билан бирга, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, ишсиз фуқароларни турли касбларга тайёрлаш, ҳақ тўландиган жамоат ишларини ташкил этиш, меҳнат ярмаркаларини ўюшириш, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни тадқик қилиш, меҳнат бозорида талабнинг ўсишига кўмаклашиш, ҳукуматнинг меҳнат муносабатларидаги ижтимоий кафолатларини амалга ошириш бўйича ишлар қилинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи...Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулчиллик, кинич бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш хисобидан олдинга юришдир. Тошкент . www.lex.uz.

2. И.Каримов. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш хисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устивор вазифамиздир . 2014 йилда ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasи

3. И.Каримов. 2014 йиль юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади Тошкент Ўзбекистон 2014

4. Каримов И.А. Бош Максадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўйини қатъият билан давом эттириш. Т.“Ўзбекистон”.2013 йил

5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 56 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган саммити ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь, 1-2-6.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тарақиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 80 б.
8. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 280
9. Узбекистан в цифрах. - 2013 йил. Государственный комитет Республики Узбекистан по Статистике –Т .2013
10. Труд и занятость в Узбекистане 2014. Ташкент.
11. www.world.bank.Org
12. Толаметова З.А. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожланиш йўналишлари 2014. Тошкент . “Иқтисодиёт” 305 б

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ
ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

A.X.Ishmuxamedov
O'zMU matematika fakulteti dotsenti

ELEKTRON TO'LOV TIZIMLARI.

Tijoratda har qanday shartnomani amalga oshirishda bu shartnoma bo'yicha pulli hisob-kitoblar amalga oshirilishi bilan tugallanadi. Hisob-kitoblar, mavjud moliyaviy talablar va majburiyatlardan bo'yicha to'lovlarini tashkil etish va tartibga solishni o'zida aks ettiradi. To'lov naqd pul yoki naqd pulsiz hisob-kitob bilan amalga oshirilishi mumkin.

Naqd pulsiz hisob-kitob bu shunday hisob-kitobki bunda naqd pullar ishtrokitisiz to'lovlar amalga oshiriladi, yani pul vositalari to'lovchining hisobidan oluvchining hisobiga pul o'tkazish yo'li bilan amalga oshiriladi.

Naqd pulsiz hisob-kitob har xil shakkllarga ega bo'lishi mumkin:

- bank o'tkazmalar;
- bank kartalari;
- inkassa; akkreditiv;
- chek va boshqalar.

Bankning har qanday maqsadlар учун pul vositalarini o'tkazish operatsiyalari tranzaksiya deb nom olgan.

Tranzaksiya - bu bank kartasiga ega kishining xabarları ketma-ketligi bo'lib, tizim ishtrokchilari tomonidan ishlab chiqiladi va karta egasiga xizmat ko'satish учун bir ishtrokchidan boshqa ishtrokchiga uzatiladi.

Tranzaksiya quyidagi asosiy hususiyatlarga ega:

- bo'linmaslik;
- muvofiqlik;
- himoyalanganlik;
- ishonchlilik;
- karta sohibi bilan bu kartalarga xizmatni qabul qiluvchi xo'jalik subyekti o'rtaida o'zaro muloqot.

Tranzaksiyalarning bo'linmaslik hususiyati shuni anglatadiki, tranzaksiyani tashkil qiluvchi barcha operatsiyalar bajarilishi shart yoki xech qaysi biri bajarilmasiliga kerak.

Tranzaksiyalarning muvofiqligi - karta, hisob, goldiq malumotlar bazasidagi malumotlarning xaqqoniyligini buzmaslik.

Tranzaksiyalarning himoyalanganligi - bu bitta alohida olingan tranzaksiyani boshqa tranzaksiyalardan mustaqil ekanliligi.


Tranzaksiyalarning ishonchliligi shu bilan bog'liqliki tugatilgan tranzaksiya tiklanishi mumkin, tugallanmagan tranzaksiya esa bekor qilinishi mumkin.

Tranzaksiyalarning o'zaro muloqoti - bunda karta sohibi va bu kartalarga xizmat ko'satuvchi xo'jalik subyekti shunday aloqani yo'lga qo'yishadiki natijada karta sohibining schotida o'zgarishlar yuz berib turadi.

Tranzaksiyalar xujyat va elektron shaklida amalga oshiriladi.

Elektron to'lovlar ko'p jixatdan xuddi, telefon orqali buyurtma qabul qilib oluvchi oddiy magazinlardagi to'lovlariga o'hshaydi. Elektron to'lovlarining farqli tomoni shundaki, barcha xarid kilingan tovarlar учун to'lov jarayoni buyurtmachi kompyuteri orqali va tovar sotuvchining Web-serveri orqali amalga oshiriladi (1-rasm).

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ



Rasm 1. Elektron to'lovlar tizimining sxemasi.

1-sxemada ko'rinish turibdiki xaridor brouzer orqali, ya'ni programm ta'minoti orqali, buyurtmani va to'lov usuli to'g'risida malumotni sotuvchi serveriga joylashtiradi. Web-server sahifalarida buyurtma shakllari maydoni mavjud bo'lib, bu maydonlarni xaridor o'zining brouzerida to'ldirishi mumkin. Xaridor brouzeridan malumotlar sotuvchi serveriga uzatiladi. U yerda malumot qayta ishlansadi va ma'lumot bazasiga kiriladi.

Ma'lumotlar bazasi ikki ma'noga ega. Birinchidan, ma'lumotlar bazasi – bu ma'lumotlarni tuzilishi va taqdim etilishi bo'yicha yagona tizimga solingen obyektiv shakldagi ko'rinishi bo'lib, bu ma'lumotlarni kompyuter yordamida izlab topish va qayta ishlash imkoniyati mavjud.

Ikkinchidan, malumotlar bazasi – bu o'zaro bog'liq ma'lumotlar yig'indisi bo'lib, ularning amaliy dasturlarga bog'liqmasligi hamda izlashning umumiy boshqarish usullari, katta xajmdagi ilovalar uchun ishlatalish va qisqa muddat ichida ma'lumotlarni olish imkoniyati bilan xarakterlanadi.

Sotuvchi serveriga ma'lumot kelib tushgandan so'ng bu serverning dasturiy ta'minoti buyurtmaning to'g'riligini tekshiradi, autentifikatsiya o'tkazadi va bankdan pulni o'tkazishga ruxsat oladi.

Pulni o'tkazishga ruxsat olinishi, qoidaga binoan, shlyuz orqali amalga oshiriladi va Internet yordamida bank bilan bog'lanadi. Shlyuz bu shunday dasturki u turli protokollardan foydalananuvchi ikkita tarmoqni bog'lashga mo'ljallangan bo'lib, uning yordamida bu tarmoqlar orasida ma'lumot almashish imkonи vujvdga keladi. Bir tarmoqdan ikkinchisiga ma'lumot uzatish uchun dastur bu ma'lumotlarni qayta shakllantiradi, bu bilan xar xil protokollarning sig'imkorligini ta'minlaydi.

Elektron to'lov tizimiga quyidagi talablar qo'yildi:

1. Maxfiylik.

Maxfiylik (lot. *Confidential* – ishonch) ishonchlik ma'nosini beradi, ya'ni malumotlarni oshkor qilish mumkin emas. Tranzaksiyalarning sir saqlanishi shunda ko'rindaniki sotuvchiga aytildigan hisob raqami yoki bank kartasining raqami sir hisoblanadi va uni faqat qonuniy xuquqqa ega bo'lgan shaxs bilishi mumkin.

2. Malumotlarning to'liqliligi.

Tijorat shartnomasi haqida ma'lumotlar to'liqligicha sir saqlanishi kerak, sotib olingan mahsulot va xarid narxi oshkor qilinmasligi shart.

3. Autentifikatsiya.

Autentifikatsiya (grekcha *authenticos* – asl, haqiqiy) shunday guvoxlikni bildiradi, to'lovda ishtrok etayotgan ikkinchi tomon haqiqatdan ham shu jarayon ishtiroychisi ekanligini aniqlaydi. Bu shuni anglatadiki, naqd pulsiz hisob-kitob amalga oshirilganda, masalan, bank kartasi yordamida, sotuvchi xaridordan shaxsiy guvohnomasini surati bilan so'raydi yoki xaridor imzosini o'zidagi namunasini bilan solishtiradi.

4. Avtorizatsiya.

Avtorizatsiya – xaridorning bankdag'i hisobini tekshirish. Avtorizatsiya sotuvchiga, xaridorning xarid narhini to'lay olishga yetarli mablag'i borligini aniqlashda yordam beradi.

5. To'lov bo'yicha operatsiyalarning himoyalanganligi.

To'lov bo'yicha operatsiyalarning himoyalanganligi bu Internet tarmog'ida o'g'rilarga (xakkerlarga) to'siq qo'yish va ma'lumotlarning maxfiyligi va to'liqligini ta'minlash usullarini bildiradi.

Ma'lumotlarni himoyalashning turli usullari bor, masalan, gipermatni uzatishning himoyalangan protokoli(S-HTTP).

S-HTTP (SECURE HYPER TEXT TRANSFER PROTOCOL) – protokoli serverlar va brouzerlar xaqiqligini aniqlash imkoniyatini beradi va Web-server bilan brouzerning ulanganida malumotlarning to'g'riligi va to'liqligiga kafolat beradi.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

To'lovlar bo'yicha operatsiyalarning himoyalanganligi ma'lumotlarni kodlash(criptografiya va stenografiya) yordamida ta'minlanadi.

Elektron to'lovlar tizimi hisob-kitob qilishning quyidagi shakllarini o'z ichiga oladi:

- bank kartasi;
- elektron cheklar;
- raqamli pullar;
- elektron pullar.

Bank kartalaridan yirik va o'rta to'lovlarни amalga oshirishda foydalilanadi. Elektron cheklar va raqamli pullar asosan zudlik bilan to'lanishi zarur bo'lgan kichik hajimdagи to'lovlarни amalga oshirishda qo'llaniladi. Elektron pullar esa to'lovlarни bajarishda ishlataliladi.

Bank kartalari - bu intellektual kartalarning bir turi.

Intellektual kartalari - barcha turdagи kartalarni umumlashtiruvchi termin bo'lib, tavsiya etilishi, ko'sratishi mumkin bo'lgan xizmatlari, texnik imkoniyatları va ularni chiqqargan tashkilotlar bo'yicha turlanadi(farg'lanaadi).

Intellektual kartalarning asosiy xususiyati shundan iboratki, ular amaliy dasturlarda foydalilaniladigan ma'lumotlar zaxirasini o'zida saqlaydi. Karta binoga kirish vaqtida turniketdan o'tishda, telefon so'zlashuvlar uchun to'lovni amalga oshirishda, kompyuterda ishlash uchun ruxsatnomasi, xaydovchilik guvonomasi, bank hisob-kitoblari va boshqalar sifatida xizmat kiladi.

Bank kartasi shuningdek plastik karta ham deb atladi hamda karta egasi hisobidan to'lanishi kerak bo'lgan hisob-kitob va boshqa xujjalarni tayyorlash vositasi hisoblanadi.

Kredit tashkilotlari jismoniy va yuridik shaxslar uchun bank kartalarini chiqaradi. Agar bank kartalari uning egasiga transchegaraviy to'lovlarni amalga oshirishga imkon bersa, ularning emissiyasini faqat mutassadi banklar amalga oshiradi. Transchegaraviy to'lovlar - bu davlatdan tashqarida, yani ular joriy qilingan xududidan tashqarida bank kartasini ishlatalish bilan amalga oshirilgan operatsiyalar bo'yicha to'lovlar hisoblanadi.

Davlat ichidagi bank kartalarining emissiyasi kredit tashkilotlari tomonidan amalga oshiriladi.

Kartalarni tarqatish rezident tashkilotlari va boshqa emitentlar (*American express, Diners Club, Visa Travel Money, Visa Cash, Mondex*, cheklar va boshkalar) tovar va xizmatlar uchun to'lovlar yoki naqd pulni olish faqat Markaziy Bankning maxsus ruxsatnomasi bo'yicha amalga oshiriladi. Bank kartalarini kliyentiga berish u bilan tuzilgan shartnomasi asosida amalga oshiriladi.

Valyuta operatsiyasini amalga oshirish uchun emitent mijozlarga Markaziy Bankdan ruxsatnomasi olishi kerakligi hakida ma'lum qilishi shart, kapital harakatiga bog'lik operatsiyalar vallyuta qonuniga asosan amalga oshiriladi.

Jismoniy shaxslarga, rezidentlar va norezidentlarga emitent quyidagi turdagи bank kartalarini berishi mumkin:

- to'lov kartasi - bank kartasi bo'lib, emitent va mijoz o'rтasida tuzilgan shartnomaga asosan, mijozning shaxsiy schyotidagi pul vositalarini belgilangan limit doirasida ishlatalish yoki pulni naqd qilishga imkon yaratdi;
- kredit kartasi - bank kartasi bo'lib, u karta sohibi va emitent o'rтasidagi tuzilgan shartnomaga asosan emitent tomonidan berilgan kredit polyusi va chegaralangan xarajatlar doirasini miqdoridagi operatsiyalarni amalga oshiradi.

Yuridik shaxslarga emitent quyidagi turdagи bank kartalarini berishi mumkin:

● korporativ to'lov kartasi - bank kartasi bo'lib, uning sohibi emitent tomonidan o'rnatilgan chegara xarajatlar doirasida yuridik shaxs schyotida bo'lgan pul vositalarini ishlatalish imkonini beradi. Bu yerdan ham albatta mijoz bilan tuzilgan shartnomaga asosan laniladi;

● korporativ kredit kartasi - bank kartasi bo'lib, karta sohibi va emitent o'rтasida tuzilgan shartnomaga asosan emitent tomonidan berilgan kredit polyusi chegara xarajatlar doirasini miqdorida operatsiyalarni amalga oshirishga imkon beradi.


Elektron to'lovlarning boshqa shakllari quyidagilardan iborat:

- elektron cheklar;
- raqamli pullar;
- elektron pullar.

Elektron chek - bu shunday xujjati (tijorat qimmatli qog'ozining bir ko'rinishi) unda to'lovchi o'z bankiga pulni o'tkazish to'g'risida topshiriq beriladi. Elektron to'lov cheki oddiy qog'oz cheki

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

ega bo'lgan xususiyatlarga ega. Elektron chek odatda haridordan elektron pochta orqali sotuvchiga o'tkaziladi. Sotuvchi bankga chekni berib u bo'yicha pul oladi. Shundan keyin chek haridorga qaytib beriladi va to'lov isboti bo'lib xizmat qiladi. Sotuvchi tovarni haridor uyiga yetkazib beradi. Elektron chek yordamidagi to'lov sxemasi 2-rasmda ko'satilgan.



2-rasm. Elektron cheklar yordamida tovar xaridi uchun to'lovlar sxemasi.

Shartli belgilari:

- 1 – tanlangan tovar uchun chekni sotuvchiga berilishi;
- 2 – chekni tekshirish uchun bankka yuborilishi;
- 3 – xaridor chekini audentifikatsiyalash va avtorizatsiyalash;
- 4 – to'lov;
- 5 – xaridor uyiga tovarni yetkazib berilishi;
- 6 – xaridor chekini uning bankiga qaytarish;
- 7 – xaridor xisobidan pulni tushirish;
- 8 – chekni xaridorga qaytarish.

Elektron pullar elektron pochta yoki to'g'ridan to'g'ri Internet tarmog'i orqali yetkazilishi mumkin. Xar qanday xolda ham xarid uchun to'lov bank kanallari yoki tarmoqlari orqali amalga oshiriladi. Elektron to'lov cheki, qog'oz chekdan ustunligi shundaki, to'lovchi shaxsiy ochiq bank kaliti yordamida, sotuvchidan yashirin xolda, o'zining hisob nomerni kodlab qo'yishi mumkin.

Raqamlı pullar (*digital cash*) - bu qog'ozli naqd pullarning elektron analogidir. U pul belgilari ko'rinishiga ega. Raqamlı pullar kuponlar to'plamini o'zida aks ettiradi. Kuponlar – bu raqamlar zanjiri bo'lib, muayyan miqdordagi pulni ko'rsatadi. Bu kuponlarni joriy qilgan bank xar bir kuponni raqamli imzo bilan tasdiqlaydi. Raqamlı imzo maxsus imzo bo'lib, u elektron xujjalarni jo'natuvchining shaxsiy kaliti yordamida habarnoma dayestini shifrlash yo'li bilan amalga oshiriladi.

Bank tomonidan tasdiqlangan kuponlar shakllardagi raqamlı pullar bitlar ketma-ketligi ko'rinishiga ega. Bit teng ehtimollik hodisalaridan birini sodir bo'lishi haqidagi xabarning qabul qilinishi natijasida olinadigan ma'lumotlarni aks ettiradi.

Bank mijoz hisobidagi kuponlarning bir qismini kamaytirish yoki qo'shish yo'li bilan, uning bank hisobidagi oddiy pul summasiga ekvivalent ravishda, bit zanjirini hosil qiladi. Kuponni pul oluvchining kompyuteriga uzatishidan oldin, bank uni o'zining raqamli pechatni bilan tasdiqlab qo'yadi. Xaridor tovar sotib olish uchun magazinda raqamlı naqd pullarni bir qismini ishlatmoqchi bo'lsa, u sotuvchiga kerakli miqdorda kuponlarni berishi mumkin. Sotuvchi o'z navbatida bu kuponlarni tekshirish va to'lovnini olish uchun banka uzatadi.

Adabiyotlar

1. В.В. Царев, А.А. Контарович. Электронная коммерция. СПб: Харрисов, 2002.
2. Д.Козье. Электронная коммерция/Пер. с англ. –М.: Издательско-торговый дом «Русская редакция», 1999.
3. И.Т.Балабанов. Электронная коммерция: Учебник. – СПб.: «Питер», 2001.
4. С.В.Афонина. Электронные деньги. – СПб.: «Питер», 2001.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ
ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Махмудова Г.Н.

ЎзМУ катта илмий ходим – изланувчиси, и.ф.н.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИНинг ХУҚУҚИЙ – ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш концепциясини ишлаб чиқиш унинг стратегиясини тўғри танлашдан иборат. Назарий – методологик нуқтаи-назардан қараганда, модернизациялаш стратегияси миллий иқтисодиётда макродаражадаги ижтимоий-иқтисодий тизим билан микродаражадаги хўжалик юритувчи субъектлар ва хонадон хўжаликларини ўзаро боғлиқлигини, уйғунлигини ифода этиб, ушбу алоқадорликни такомиллаштириб, ривожлантириб бориши йўналишларини ўз ичига қамраб олади. Ривожланган мамлакатлар таҳрибасидан маълумки, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини яқин ва ўрта истиқболда таъминлумки ҳамда иқтисодий ўсишин узоқ муддатларда сақлаб қолиш учун турли стратегик дастурлар қабул қилинади. Ушбу дастурлар орасиди – Ўзбекистон иқтисодиёти учун энг муҳими бу – модернизациялаш стратегияси ҳисобланниб, у мамлакатни инновацион тараққиёт йўлига олиб чиқишининг ягона дастуридир. Иқтисодиётни модернизациялаш концепцияси иккита муҳим: хуқуқий ва институционал асосга таянади. (1-расм)

Хуқуқий	• Қонун ва қонун ости хужжатларги • Ҳукумат дастурлари
Институционал	• Муассасалар ва ташкилотлар • Давлат ва жамият

1-расм. Иқтисодиётни модернизациялаш концепциясининг асослари

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ишончли ва барқарор қонуний-хуқуқий базага эга бўлиши керак. Ўзбекистонда 1991 – 2015 йилларда иқтисодиётга оид 1000 га яқин Қонунлар, Кодекслар ва қонун ости хужжатлари қабул қилинди. Ушбу хуқуқий норматив хужжатлар Ўзбекистон Республикасининг бosh қомуси – Конституциясига мувофиқ ишлаб чиқилган. Улардан иқтисодиётни модернизациялашга бевосита ва бильвосита таалукли бўлгандарини бажарадиган вазифасига кўра кўйидаги йўналишларга ажратиб класифициациялаш мумкин:

Биринчидан, давлат бошқарувини ташкил этиш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш соҳасида: “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Қонун, “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонун, “Олий Мажлис тўғрисида”ги Қонун, “Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун, “Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунлар, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини очиқлиги тўғрисида”ги Қонун, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонун, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари

ИЛМИЙ МАҶОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

түғрисида", "Жамоат фонdlари түғрисида"ги Қонунлар ва бошқа тарихий аҳамиятга эга бўлган хукуқий хужжатлар қабул қилинган.

Иккинчидан, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш ва эркинлаштириш соҳасида: Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Мулкчилик түғрисида"ги, "Ер түғрисида"ги, "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш түғрисида"ги, "Ижара түғрисида"ги, "Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш түғрисида"ги, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хукуқларининг кафолатлари түғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари түғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинligининг кафолатлари түғрисида"ги, "Рақобат түғрисида"ги, "Кредит бирорлари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви түғрисида"ги, "Гаров реестри түғрисида"ги, "Риелторлик фаолияти түғрисида"ги, "Инвестиция ва пай фонdlари түғрисида"ги ва бошқа Қонунларни ҳамда уларга мувофиқ ишлаб чиқилган Президент Фармонлари, Хукумат қарорлари муҳим аҳамият касб эти.

Учинчидан, корхоналар фаолиятини янгича асосда ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасида: Солиқ Кодекси, Бюджет Кодекси, "Корхоналар түғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида", "Кимматли қоғозлар бозори түғрисида", "Банклар ва банкни фаолияти түғрисида"ги, "Суғурта түғрисида", "Алоқа түғрисида", "Ахборотлаштириш түғрисида", "Телекоммуникациялар түғрисида", "Пошлини алоқаси түғрисида", "Электрон рақамли имзо түғрисида", "Электрон тижорат түғрисида"ги, ва "Электрон хужжатлар айланиши түғрисида"ги қонунлар Вазирлар Маҳкамасининг "2016 - 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини қабул қилиш түғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзпаҳтасаноатэкспорт" холдинг компаниясини ташкил этиш түғрисида"ги фармони ва бошқа қонуний кучга эга бўлган хужжатларнинг қабул қилиниши корхоналар фаолиятини изчиллаштириш учун том маънода таянч вазифасини ўтди.

Тўртинчидан, инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида: Фуқаролик Кодекси, Жиноят Кодекси, "Фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси", "Оилавий тадбиркорлик түғрисида"ги Қонун "Муаллифлик хукуқи ва турдош хукуқлар түғрисида", «Ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги түғрисида»ги Қонунлар ҳамда бошқа шу кабилар аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда муҳимлик касб эти.

Бешинчидан, ташкил алоқаларни ривожлантириш соҳасида: "Валютани тартибга солиш түғрисида"ги, "Ташкил иқтисодий фаолият түғрисида"ги "Чет эл инвестициялари түғрисида"ги, "Чет эллик инвесторларни хукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида"ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Халқаро молия институтлари иштироқида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида"ги Қарори ва бошқа хукуқий кучга эга бўлган норматив-меъёрий хужжатлар номларини келтириш мумкин.

Улар иқтисодиётни модернизациялашнинг умумий мақсадларига эришиш ва иқтисодий сиёсатнинг характеристини очиб бериш учун хизмат қилган бўлса, алоҳида тармоқлар ва корхоналарни модернизациялашда маҳсус Президент Фармонлари, Хукумат қарорлари, дастурлари ҳамда Низом ва йўриқномалар қабул қилиниб, амалиётга жорий қилинган. Хусусан улар жумла-сига куйидаги меъёрий – хукуқий хужжатлар киритилади:

- 13.11.2006 йилдаги "2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш түғрисида"ги № ПК-510 сонли Президент Қарори;
- 14.03.2007 йилдаги "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рафбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлари түғрисида"ги № ПФ-3860 сонли Президент Фармони;
- 03.04.2007 йилдаги "2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш түғрисида"ги №70 сонли Вазирлар Маҳкамасининг Қарори;

ИҚТISODIЁTНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

- 01.06.2007 йилдаги “2007-2011 йиллардаги даврда курилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва техник қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги №ПҚ-646 сонли Президент Қарори;
- 12.06.2007 йилдаги “2007-2011 йиллардаги даврда ёф-мой саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги №ПҚ-651 сонли Президент Қарори;
- 10.07.2007 йилдаги “Узметкомбинат” АИБ ишлаб чиқаришини 2007-2011 йилларда модернизациялаш, техникавий ва техник қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги №ПҚ-669 сонли Президент Қарори;
- 27.07.2007 йилдаги “2007-2011 йиллар мобайнида кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги №ПҚ-677 сонли Президент Қарори;
- 19.11.2007 йилдаги “2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги №ПҚ-731 сонли Президент Қарори;
- 05.12.2007 йилдаги “2008-2009 йилларда автомобиль саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва техник қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги №ПҚ-741 сонли Президент Қарори;
- 07.04.2008 йилдаги “Кишлоқ, хўжалик машинасозлигини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-832 сонли Президент Қарори;
- 7.04.2014 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси инвестиция иқлими ва ишбалармонлик муҳитини янада тасомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №ПФ-4609 сонли Президент Фармони;
- 15.12.2010 йилдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги №ПҚ-1442 сонли Президент Қарори;
- 4.03.2015 йилдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги №ПФ-4707 сонли Президент Фармони.

1996 йилдан анданага айланган йилларга ном бериш ва номланишдан келиб чиқиб қабул қилинадиган Йил Даструрлари доирасида иқтисодиёт субъектларини молиялаштириш даражаси ортиб борди. Жумладан, 2009-“Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да қишлоқ инфратузилмаси янада ривожлантирилди, 2011 – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” да кўплаб кичик бизнес субъектлари ташкил этилди ва уларга қатор имтиёзлар яратилди. Шу ўринда таъкидлашкеракки, модернизациялашнинг ҳаракатлантирувчи омили ҳисобланган тадбиркорлик борасида, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўплаб-куватлайдиган институционал инфраструктура шаклланди. Уларни рўйхатдан ўтказишдан бошлаб, то фаолиятларини кредитлаш амалиётигача, биржка савдолари орқали хом-ашё ресурсларини сотиб олишдан то уларнинг фаолиятларини текширишларни чеклашгача, ёки молиявий, статистик ва солик ҳисоботларини тақдим этишининг электрон тизимини яратиш каби кулагилклар яратилганки, мазкур кулагилклар тадбиркорлик фаолиятига эркинлик бериш ва бу соҳани кенг ривожлантириш имконини беради.

Шунингдек, “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги Конун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюрократик тўсикларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сонли қарори, “Статистик, солик, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-тоамилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли Фармони, «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Даствури тўғрисида» 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754 -сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг 2013 йил 18 январда сўзлаган “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан

ИЛМИЙ МАҶОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

давом эттириш” номли маърузасида иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, иқтисодиётни модернизациялаш дастурини яратиш түғрисидаги ғоялар, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ўзига хос специфик хусусиятларини ҳисобга олиб айтиши керакки, эришилган ютуклар ва қўлга киритилган марралар билан бир қаторда миллий иқтисодиётни модернизациялаш концепциясининг қонуний-хукукий асосларида қатор муаммолар ва зиддияти ҳолатлар мавжуд:

Биринчидан, қабул қилинган Қонунларнинг етарлича даражада барқарор эмаслиги ҳамда қабул қилинаётган қонун хужжатларига кўп маротаба ўзгартириш ва тузатишлар киритилиши (“Корхоналар тўғрисида”ги, “Бюджет тизими тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги ва бошқа Қонунлар);

Иккинчидан, Қонун қабул қилингандан сўнг, қисқа муддатлар ичida унга тегишли Фармон ё Қарорнинг қабул қилиниши, ёки аксина, Фармон ё Қарор амалиётида ишлабтагани ҳолда маълум муддат ичida Қонун қабул қилиниши (“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Қонунлар ва “Ишибилармонлик мухитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзпахтасаноатэкспорт” Холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори, “Ўзпахтасаноатэкспорт” Холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони);

Учинчидан, қабул қилинаётган қонун хужжатлари ҳамма вақт ҳам макродаражада билан микродаражада ўртасидаги ўзаро боғлиқлики тўлиқ таъминлаб берса олмаслиги (Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржга фаолияти тўғрисида” Қонуни);

Тўртинчидан, Қонунларнинг айрим бандлари уни амалга оширувчи субъектларнинг манфатларига бирдек хизмат қўймаслиги, асосан бир томонлама, яъни давлат манфаатларидан келиб чиқиб тайёрланиши; (“Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни)

Бешинчидан, иқтисодиётни модернизациялашда мухим аҳамият касб этувчи бюджет тизими, солиқ тортис тизими, банк тизими, инновация тизими, валюта тизими, экспорт ва импорт операцияларини ўтказиш бўйича ваколатли органлар ҳисобланган Молия вазирлиги, Солиқ Кўмитаси, Марказий Банк, Фан ва технологияларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги томонидан қабул қилинган қонун ости норматив меъёрий – хукукий хужжатлар ва йўрикномаларда бири иккинчисини инкор этадиган, бир-бирига зид келадиган ҳолатлар учрайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, яъни иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш нинг биринчи босқичида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти томонидан ишлаб қўйилган “Ўзбек модели”нинг асосида турувчи бешта тамойилга мувофиқ иқтисодиётни ислоҳ этиш соҳасида кўйидаги стратегик маҷсадлар кўзланган эди:¹

1. Ихтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш ва ривожланган иқтисодий тизимни барпо этиш;
2. Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, хусусий мулкни давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;
3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш ва уларнинг фаолиятида давлатнинг арагалашувидан воз кечиш;
4. Чукур таркибий ўзгаришлар амалга ошириш, иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашув;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида Т. 1995. Б.18

ИҚТІСОДИЁТНИҢ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТІСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш ва уларнинг дунёқарашини ўзgartириш.

Юқоридаги мақсадларни амалга оширишда олиб бориладиган ислоҳотлар шунчаки эмас, балки инсонларнинг манфаатларига хизмат қилиши муҳимлиги белгилаб олинган.

Ўзбекистоннинг ўрта истиқболда ривожланиш стратегиясида қуидаги йўналишлар устуворлик касб этади:¹

- Таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот – коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишини таъминлаш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- Иқтисодиётни тартибга солишдаги давлатнинг ролини қайтадан танқидий кўриб чиқиш;
- Қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ этиш ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш;
- Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш;
- Фаол инвестиция сиёсатини юргизиш;
- Аҳоли бандлигини таъминлаш;
- Аҳоли ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ошириш.

Мазкур устувор йўналишлар 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сўзлаган “2015 йилда иқтисодиётимиизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг ўйл оиб бериш вазифамиздир” номли маърузада тўла қонли асослаб берилган. Юқоридаги устувор вазифалардан кўринадики, иқтисодиётни модернизациялаш концепцияси фақатгина иқтисодиётни ўзини модернизациялашга, яъни технологик қолоқликни тутгатишга қаратилибгина қолмасдан, балки жамиятнинг ижтимоий модернизациялашувини талаб этади. Шунингдек, инсон омилини ривожланиш стратегиясининг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қайд этиш керак. Чунки, ҳар бир устувор аҳамиятга эга бўлган вазифа инсонлар орқали амалга оширилади ва унинг натижаси пировардида инсон манфаатларига хизмат этади. Масалан, биринчи устувор вазифа – иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга эришишда инновациялар муҳим ўрин тутади. Бунда фан сиғимкорлиги юқори бўлган соҳа ва тармоқларни ривожлантириш ҳисобидан билимлашган иқтисодий жамиятга ўтиш назарда тутилади. Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётни модернизациялашнинг қонуний-ҳуқуқий асослари унинг институционал асосларини шакллашниша ва ривожланишига туртки бўлди.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг институционал асосларининг илдизлари ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичига тўғри келади.

Режали иқтисодиётга асосланган маъмурӣ бўйруқбозлиқ тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш институционал ўзгаришларни амалга оширишин тақозо этган. Бунда дастлаб бошқарув тизими ислоҳ этилди. Масалан, Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат агро-саноат қўмитаси ва бошқа маъмурӣ аппаратлар тутгатилиб, уларнинг ўрнида янги бошқарув бўғинлари тузилди. Шунингдек, Давлат солик қўмитасининг тузилиши, Молия вазирлиги, Марказий банкнинг таркибий тузилмасига киритилган ўзgartiriшлар натижасида солик, банк ва молия тизими тубдан янгиланди.

¹ Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. Т. 2015. 5.65-63.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

Иқтисодий ислоҳотлар ўтказишнинг биринчи босқичида асосий устувор вазифа ҳисобланган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, хусусий секторни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариши ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси тузилди. Айни вақтда бу идора Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси деб аталади. 1991-1994 йилларда ташқи алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирилиги тузилди. Ҳозирги пайтда ушбу ташкилот Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилиги деб номланади. Унинг асосий вазифаларига товарлар ва хизматлар бозорини таҳжил этиш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги стратегияни ишлаб чиқиш, хорижий инвестициялар иштироқидаги лойиҳаларни бошқариш, экспорт ва импорт масалаларини ҳал этиш каби-лар киритилган.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва саноат сиёсатини олиб бориш давомида модернизациялаш стратегияси йўналишарини танлашда ҳар бир тармоқ ва ҳар бир ҳудуд кесимида алоҳида ёндошув талаб этилади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида энг чукур таркибий ўзгаришлар мамлакат иқтисодиёти тармоқлари айрим соҳаларини бошқариш тизимида юз берди.¹ Корхона ва ташкилотлар ўз ихтиёрига кўра концернлар, уюшмалар ва корпорациялар таркибига киритилди. Ўзбекистонда хусусийлаштириш куйидаги босқичларда **амалга оширилган**:

Тайёрлор босқичи (1990-1991 йй) да Ўзбекистон шароитларига хос бўлган хусусийлаштиришнинг методлари, шакллари ва ёндошувлар ўрганилди, “Давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, хусусийлаштиришга таалуқли бўлган бошқа қонун ости хужжатлари тайёрланди.

Биринчи босқич (1992-1993 йй) да “кичик хусусийлаштириш” номи билан уй-жой фонди, маший хизмат кўрсатиш ва савдо билан шуғулланувчи кичик корхоналар, маҳаллий саноат ва иқтисодиётнинг айрим соҳаларини ўз ичига олувчи обьектлар хусусийлаштириди.

Иккинчи босқич (1994-1998 йй) оммавий хусусийлаштириш даври бўлиб, унда машинасозлик, автомобиль, курилиш, озиқ-овқат ва енгил саноатдаги йирик ва ўрта корхоналарни очиқ акциондерлик жамиятларига айлантириш амалга ошириди.

Учинчи босқич (1999-2004 йй) саноатнинг йирик тармоқлари ёқилғи-энергетика комплекси, металлургия ва бошқаларда оммавий хусусийлаштиришдан якка тартибиға ўтиш билан тавсифланиб, бунда давлат обьектларини хорижий инвесторларни жалб этиш орқали хусусийлаштиришга алоҳида ургу берилди.

Тўртинчи босқич (2005-2008 йй) да йирик ва ўрта корхоналарни хусусийлаштириш жараёнини давом эттириши кўзда тутувчи маҳсус Дастур қабул қилинди.²

Жаҳон молиявий-иктисодий инқизориzo бошланган 2008 йилдан хусусийлаштиришнинг навбатдаги бешинчи босқич бошланниб, бунда аввало, паст рентабелли, зарар кўриб ишловчи, иқтисодий ночор корхоналарни хорижий инвесторларга “ноль” баланс қўймати билан сотиш ҳамда банкларнинг балансига ўтказиш вазифаси кўндаланг кўйилди. Бундай корхоналарни инвестициялаш орқали иқтисодиётнинг реал тармоқларида техник ва технология янгилаш, модернизациялаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошликни ошириша эришилади. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йилда қабул қилинган “Давлат мулки обьектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига киритилмаган обьектларни аниқлаб, иқтисодиётнинг реал тармоқларида давлатнинг иштирокини қисқартириш нуқтai назаридан баҳолаб 2015-2016 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича янги дастурни тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритиди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида Т. 1995. Б. 83

² Промышленная стратегия в Узбекистане: аспекты проблем и формирования Т. 2005. С. 361

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ
ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**
1-жадвал. Ўзбекистонда корхона ва объектларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг бориши¹

Йиллар	Хусусий-лаштирилган корхона ва объектлар сони	Хусусий-лаштиришдан тушган пул маблағлари млн. сўм	Хусусий-лаштирилган объектларнинг баланс қиймати, млн.сўм	Хусусий-лаштирилган мулк қиймати, млн.сўм
1996	1915	5296,8	17595,0	20759,5
1997	1231	4415,9	14712,7	17689,0
1998	451	8868,2	7474,9	21292,4
1999	448	9100,1	6176,7	17709,9
2000	374	14279,4	30929,3	85103,7
2001	1449	23195,6	81866,1	144906,6
2002	1912	43590,8	x	x
2003	1519	56060,9	x	x
2004	1228	78465,1	x	x
2005	980	80522,2	x	x
2006	673	70452,4	x	x
2007	631	111129,9	x	x
2008	392	130577,3	x	x
2009	135	35738,8	x	x
2010	96	23028,6	x	x
2011	95	39217,8	x	x
2012	83	32052,8	x	x
2013	82	44054,7	x	x
Жами	13694	810047, 3		

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 1996-2013 йилларда Ўзбекистонда 13694 та корхона ва объект хусусийлаштирилиб, ундан жами 810 млрд.сўм маблағ тушган.

Институционал ислоҳотлар борасида ҳам ҳанузгача ўз ечими топмаган муаммолар мавжудки, улар иқтисодиётни модернизациялаш жараёнини жадаллаштиришга тўсиқ бўлмоқда. Масалан, давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар ўзларининг бошқарув тизимидағи принципларни ва ёндошувларни ташки иқтисодий алоқаларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартирганилклари жиддий муаммолар сирасига киради.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун иқтисодиётни модернизациялаш концепциясини самарали амалга оширишга қўйидаги иккита йўналишдан бирига ёндашилади:

1. Модернизациялашнинг институционал асосларини такомиллаштириб бориш орқали миллий иқтисодиётдаги ўсиш суръатларига эришилади.

2. Миллий иқтисодиётдаги ўсиш суръатлари модернизациялашга хизмат қилувчи институционал инфратузилмани ривожлантиради.

Демак, ҳар иккى ёндошувдан ҳам кўринадики, модернизациялаш концепциясининг асоси ҳисобланган иқтисодий ўсишга эришиш ва институционал ислоҳотларни олиб бориш бир-бирини тақозо етувчи ва айни пайтда тўлдирувчи вазифалардир.

Юқоридагилардан хуоса қилиб, иқтисодиётни модернизациялаш концепциясининг ҳукуқий-институционал асосларини қўйидаги йўналишларда такомиллаштириш талаб этилади:

¹ Йиллик статистик тўплам Т. 2008, 2014 Б. 212, 191

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

Биринчидан, иқтисодиётни модернизациялаш концепциясининг асосида “Модернизация түғрисида”ги, “Инновация түғрисида”ги қонуналарнинг қабул қилиниши зарур. “Модернизация түғрисида”ги қонунда модернизацияя оид асосий тушунчаларнинг аниқ таърифлари, иқтисодиётни модернизациялашнинг мақсади, турлари, обьекти, субъекти, уларнинг вазифалари, мажбуриятлари ва ваколатлари аниқ ва пухта ишлаб чиқилсигина мазкур ҳужжат қонуний асосга айланади.

Иккинчидан, иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясининг устувор йўналишларини белгилаш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилса-да, унда саноат, бандлик, инвестиция сиёсаларига алоҳида ургу берилиши керак.

Учинчидан, иқтисодиётни модернизациялашнинг қулай институционал инфратузилмаси яратилиши ва у мунтазам равишда такомиллаштириб борилиши зарур.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида -Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
2. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. Т. 2015. Б.45-63.
3. Промышленная стратегия в Узбекистане: аспекты проблем и формирования - Т.; 2005.
4. Йиллик статистик түплам Т. 2008, 2014 Б. 212, 191
5. lex.uz сайти маълумотлари

ИҚТІСОДИЁТНИҢ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ
ВА УНИНГ МАКРОИҚТІСОДИЙ МУТАНОСИБЛІГІНИ ТАЪМИНЛАШ

Олимжанова Ш.О

ЎзМУ иқтисодиёт факультети доцент в.б., и.ф.н.

ТАРТИБГА СОЛИШ ИҚТІСОДИЙ НАЗАРИЯЛАРИДА КУЧЛАР МУВОЗАНАТИ ТАМОЙИЛИ

Иқтисодий тизимнинг эркин рақобат шароитидаги ривожланиши ҳозирги босқичда стихиявий, тартибга солинмайдиган жараён ҳисобланмайды, балки, аксинча, мувозанатлашган ва бошқариладиган барқарорлик ҳолати сифатида ўрганилиб, потенциал мувозанатни макроиқтисодий тартиблаш ва таҳлил қилиш илмий усуллари нұқтаи назаридан асосланған технологик модернизациялаш давлат сиёсатининг натижаси бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов: "2015 йилда амалга оширган кенг қўллами, узоқи кўзлаган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиши суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносибликини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди"¹, деб таъқидлайди.

Дарҳақиқат, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, курилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотта нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди.

Мувозанатлилик ва номувозанатлиликнинг макроиқтисодий ҳолатини ўрганиш ҳамда барқарорликнинг потенциал ўзгаришларини белгиланган қонуний кетма-кетлиқда прогноз қилиш орқали тизим сифатида ривожланаётган ҳар қандай эволюцион жараёнларни, табиат ва жамият воқеелигига кузатиладиган ҳодисалар мөҳиятини тизимли ёндошув ва илмий, сабаб-оқибат асослаши нұқтаи назаридан ўрганиш лозим:

- муҳит тартибсизлигидан тартиб таркибини ажратадиган барқарорлик ҳолатининг вужудга келиши;
- моддий ҳаёт ва рақобатбардошлилик шарти сифатида амал қиласидан бошланғич таркибий тартибнинг қайта ташкил қилиниши ва барқарорлигининг ўзгариши;
- тизимнинг эволюцион ривожланишидан иборат барқарор ҳолат асосий ташкил қилувчиларининг тугатилиши ва тарқатилиши.

При таком количестве поставщиков и большом радиусе практически невозможно обеспечение ритмичной, поточной поставки сырья. Кроме того, на консервных заводах наиболее загруженными месяцами являются август и сентябрь. В этот период перерабатываются 70- 75% всех плодов, овощей и винограда. Такое неравномерное поступление сырья на заводы приводит к дополнительным затратам на содержание излишних рабочих в межsezонный период, большим потерям сырья, материалов, вызванных порчей и естественной убылью при хранении, и ожидании на приемных пунктах заводов обработки полуфабрикатов вплоть до получения готового продукта.

Таким образом, заготовки сельскохозяйственной продукции представляют собой планомерно организованную деятельность специальных подразделений по выявлению источников поступления продукции, оформлению соглашений с производителями на поставку ее государству, материальному стимулированию производителей, перемещению необходимых объемов продукции к местам потребления, хранению и первичной обработке.

Список использования литературы.

1. КадировА.М. и др. Развитие продовольственного комплекса// Ташкент. 1999 г. С-35.
2. Эгамбердиев Ф.Т. Роль аграрного сектора в реформировании экономики Узбекистана// Журнал «Достижение науки и техники в АПК» № 11. 2002 . Москва.
3. Эгамбердиев Ф.Т. /Особенности реформирования аграрного сектора Республики Узбекистан// Опыт рыночных преобразование системы государственного регулирования. Москва 2001 год. Институт экономики Российской Академии наук.

Зоҳидова Ш.Ш.

ЎзМУ иқтисодиёт факультети доцент в.б., и.ф.н.

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Таълим хизматлари деганда инсон фаолиятининг муайян билимлар йигиндисини олиш натижасида кўлга киритилган фойдали самарани, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондирувчи, бозор ва нобозор муносабатларни мужассамловчи аралаш неъматни тасаввур этамиз.

Хизматларни шу жумладан таълим хизматларини тадқиқ қилишда классик ёндашувни кўйлаш унинг қўйидаги хусусиятларини аниқлаш имконини беради: хис этмаслик; маңбадан ажралмаслик; номунтазамлик (гетерогенлик); сақланиб қолмаслик; мулк ҳуқуқини йўқлиги.

Таълим хизматлари барча хизматлар учун хос умумий жихатлар билан биргаликда бошқа хизматлар ва моддий товарлардан фарқловчи қўйидаги ўзига хос жиҳатларига эга: таълим хизматларини индивидуаллаштириш; таълим хизматларининг аралаш неъмат сифати мавжуд бўлиши; таълим хизматларининг умумийлиги; уларни ишлаб чиқаришга нисбатан узоқ давом этиши; таълим хизматини кўрсатишга ҳақ тўлашни нормалашни қийинлиги; истеъмолчи ёшининг таълим хизматлари миқдор – сифат даражасига мувофиқлиги; ижтимоий истеъмол.


Таълим хизматларини истеъмол қилишни таҳлил этаётганда ушбу жараёнга таъсир курсатувчи қўйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- ижтимоий – иқтисодий (аҳолининг турмуш даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори);
- ижтимоий – сиёсий (мамлакатдаги сиёсий аҳвол, можаролар);
- табиий – иқлим (мамлакатнинг географик жойлашуви, унинг ҳудудий узунлиги, минтақавий хусусиятлари);
- тарихий (миллий анъаналар, урф – одатлар, диҷд маданий ривожланиш даражаси, мода ва унинг ўзгариш тезлиги).

Таълим хизматлари истеъмолига таъсир кўрсатадиган омиллар динамикаси турлича бўлади, жумладан айрим омилларининг таъсири жиддий намоён бўлса, бошқаларининг таъсири йиғилиб бориши учун йиллар талаб қилинади.

Таълим хизматлари бозори амал қилиш механизми талаб, таклиф, нарх ва рақобатнинг ўзаро муносабатда бўлишини тақозо этади, бунинг натижасида кишилар таълим ишлаб чиқариш жараёнiga жалб этилади, таълим хизматларини истеъмол қилиб, ушбу хизматларга бўлган эҳтиёжни қондиради.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



1-расм. Таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми¹

Таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизмини қўйидаги тасаввур этиши мумкин: таълим хизматлари истеъмолчилари, одатда меҳнат бозорида талаб бўлмаган касбдаги кадрларига ўқиш учун ҳақ тўлашга мойил змаслар. Бу ҳол таълим муассасаларини бундай иқтисосликлар бўйича кадр тайёрлашни қисқартириша маъжбур этади. Аксинча, агар меҳнат бозорида мақбул ҳолатни эгаллаш имконини берадиган таълим хизматларига талаб катта бўлса, таълим муассасалари ушбу касблар бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оширишади.

Таълим хизматларига талаб нарх билан боғлиқ бўлмаган ва нарх омиллари таъсирида шаклланади.

Нарх билан боғлиқ бўлмаган омилларга қўйидагиларни киритишмиз мумкин:

– истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондириш учун таълим хизматларининг бирон – бир турини афзал кўриш; мамлакат, минтақадаги ижтимоий – иқтисодий вазият, ижтимоий, тарихий ва психологияк омиллар, оила анъаналари таъсирида шаклланади.

– таълим хизматлари истеъмолчисининг даромади.

Истеъмолчи даромаднинг камайishi таълим хизматларини истеъмол қилишини чеклашга олиб келади. Истеъмолчи томонидан нуфузли маълумот олишини устувор мақсад қилиб қўйилса, у таълим хизматларидан фойдаланиш эҳтиёжини қондириш учун бошقا товарлар ва хизматларга қилинадиган харажатлар ҳажмини қисқартиришга маъжбур бўлади.

– Истеъмолчилар кутган нарсалар. Мавжуд савиядаги малака билан ишга жойлашиш бўйича истикбólда кутилган нарса таълим хизматларига бўлган жорий талабга таъсир кўрсатиши мумкин.

– Таълим хизматлари бозоридаги харидорлар сони. Таълим хизматлари истеъмолчилари ўртасидаги рақобат уларга бўлган талабда ўзгариш қилиши мумкин. Талабга таъсир этувчи, нархга боғлиқ бўлмаган қатор омиллар фақат таълим хизматлари бозорига хос бўлади. Улар жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин:

– Муайян минтақада жойлашган олий ўқув юртлари миқдори. Ушбу минтақада олий ўқув юртлари сони қанча кўп бўлса ва бозорда турдош иқтисосликларни қанчалик кўп таклиф этишса, алоҳида олинган ташкилотда талаб ҳажми шунча кам бўлади.

– Таълим муассасасининг нуфузи ва мақоми. Таълим хизматлари бозорида ҳар бир истеъмолчи олий ўқув юртнинг мақоми ва бошقا таълим муассасалари ўртасидаги мавқеи профессор - ўқитувчилар тарбиининг миқдори сифати устун даражада белгиланадиган сифатли хизматдан баҳраманд бўлишга интилади. Шундай қилиб, таълим муассасасини нуфузи қанча юқори бўлса, таълим хизматлари истеъмолчиларининг унга бўлган талаби мутаносиб равишда юқори бўлади.

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

Таълим хизматлари бозоридаги таклиф деганда, олий ўқув юртлари томонидан маълум давр мобайнида муайян нархда кўрсатиши мумкин бўлган маълум сифатдаги таълим хизматлари миқдорини тушунамиз. Таълим хизматлари таклифи таълим муассасаларининг ўқув ўринларини тўлдириш эҳтиёжини кўрсатади.

Таълим хизматлари таклифи дастлаб, таклиф қилинаётган хизматлар нархи билан миқдори ўтасидаги бевосита алоқани акс эттирувчи нарх омиллари таъсирида шакланади ва таълим хизматларини нархи қанча юкори бўлса, улар таклифининг ҳажми шунча катта бўлади.

Таълим хизматлари таклифини белгиловчи нарх ва нархга боғлиқ бўлмаган омилларга қўйидагиларни киритишмиз мумкин (1- жадвал)

1- жадвал. Таълим хизматлари таклифини белгиловчи нарх ва нархга боғлиқ бўлмаган омиллар¹

№		Мазмуни
Нарх омиллари:		
1	Ресурслар нархи	Агар ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи, ўқув адабиётлари ва кўлланмалар, бино ижараси нархи ошиб борса, таълим хизматлари камайишини кутиш мумкин.
2	Бошқа олий ўқув юртларининг таълим хизматлари нархи	Таълим муассасасида хизмат нархининг оширилиши рақобатчи мутахассис чиқариш борасидаги таклифи қисқаришига олиб келиши мумкин.
Нархга боғлиқ бўлмаган омиллар:		
3	Технологиялар	Ўқитишининг янги интерактив методларини ишлаб чиқиш, педагогик технологияларини таомиллаштириш заҳираларини кам сарфлаган ҳолда таълим хизматларини самаралироқ ишлаб чиқариш ва таклиф ҳажмини кўпайтириш имконини берди.
4	Таълим хизматларини ишлаб чиқарувчиларнинг кутгандар	Ишлаб чиқарувчиларнинг таълим хизматларининг бирон турига бўлган талабнинг ошиши бўйича кутгандарни уларнинг келажақдаги таклифига таъсир кўрсатиш мумкин.
5	Таълим муассасалари сони	Таълим хизматлари сотовчиларнинг сони қанча кўп бўлса, бозор таклифи шунча кўп бўлади.

Таълим хизматлари бозоридаги таклифнинг хусусияти шундан иборатки, ушбу хизмат ким-гадир тўғридан - тўғри йўналтирилмаган. Ўқув юртларининг конкрет истеъмолчиларга ўз таълим хизматларини таклиф қилиш бюджетдан зарур молиявий маблағ олиш учун мутасадди давлат бошқарув органларига йўналтирилган таклиф билан ўзаро боғлиқ бўлиб унга қўшилиб кетади.

Таклиф сифатида аниқ таълим хизмати эмас, балки унинг ҳар бир хўжалик субъекти томонидан қўйматига қараб турлича қабул қилинадиган образи таълим хизматларининг характеристерли хусусияти сифатида мавжуд бўлади.

Талаб ва таклиф маълум ихтинослик бўйича таълим хизматлари ортиқалиги ёки дефицитни юзага келтириб, миқдор ва сифат жиҳатдан аксарият ҳолларда бир – бирига мос тушмайди. Ўқиш тўғрисидаги тўлов-шартномаси хужжатли расмийлаштирилганидан кейингина таълим хизматлари сотовчилари ва харидорларнинг манфаатлари бир – бирига мос келишига эришилади.

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

ИҚТІСОДИЁТНИҢ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТІСОДИЙ МУТАНОСИБЛІГІНИ ТАЪМИНЛАШ

Таълим хизматларининг түлов - шартномаси битими негизида уларнинг құймати ва истеъмол құйматининг пулдаги ифодаси сифатида нарх ётади. Бирон – бир таълим хизматлари нарх-нинг мувозанаты талаб ва таклифнинг бозор нисбати билан белгиланади. Сотувчиларнинг таълим хизматлари таклифи билан харидорлар талаби ўртасында фарқ нархдагы ўзғарышни келтириб чиқаради. Бу ўзғарыш пировард натижада, бир – бирига қарама – қарши ушбу икки таклифни ўзаро келтириш йўли билан мантикий якунга етказади.

Таълим хизматларининг энг паст нархи уни ишлаб чиқаришга қилинган харажатдан келиб чиқиб белгиланади ва ушбу хизматнинг ишлаб чиқарувчиси – таълим мұассасаси томонидан белгиланади.

Энг юқори нарх эса истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Умуман, таълим бозорида нарх шакланишига қуйидаги омиллар жиddyй таъсир күрсатады: таълим мұассасасининг нұфузи, таклиф этилаётган таълим хизматлари сифати, рақобатчилар томонидан белгиланадиган таълим хизматлари нархи, ушбу олий ўқув юртида тайёрланган кадрларга мәжнат бозорида бўлган талаб ва ҳ.к.

Таълим хизматлари бозори моҳиятининг назарий таҳлили бизга унинг қуйидаги функцияларини ажратиш имконини беради:

2- жадвал. Таълим хизматлари бозорининг функциялари¹

Функциялари	Мазмуны
1.Бирлаштириш	Таълим хизматлари сотувчилари шартнома асосида муайдан дастур бўйича белгиланган билим, кўнукма ва маҳорат йиғиндиси сифатидаги хизматдан фойдаланиши максадида олди – сотди мұносабатига киришадиган харидорларни бирлаштиришдан иборат.
2.Тақсимлаш	Таълим бозори индивидуал истеъмолчиларини олий ўқув юртларининг ўқув ўринларини тўлдириш имкониятига мувофиқ тақсимлаш ва қайта тақсимлашни таъминлади
3. Ахборот бериш	Бозор иштирокчиларга таълим хизматларининг сифати таълим жаҳаренини мавжуд тузилемаси, ўқитиш шакллари ва услублари тўғрисида маълумот беради.
4. Рағбатлантириш	Олий ўқув юртлари ўртасыда нұфузли мұассасада қулагай шароитда таълим олиш истагида бўлган истеъмолчилар ўртасыда кучли рақобат мавжудлиги билан боғлиқ.
5. Табақалаштириш	Таълим мұассасаларининг сифат жиҳатидан турли хизмат кўрсатувчиларга гуруҳлаш ва потенциал истеъмолчиларнинг интеллектуал савииси бўйича танлов асосида чегараланиши орқали амалга оширилади.
6. Ижтимоий	Ўқув юртини танлашда тегишли ахборот бериш орқали ёрдам кўрсатиб, таълим хизматлари сотувчилари ва харидорларни бирлаштириб, кишилар ва жамиятнинг ривожланишини таъминлаб, аҳолини таълим жараёнига фаол жалб этишга кўмаклашади.

Таълим хизматлари бозорини бозор иқтисодиётининг ўзига хос сегменти сифатидаги моҳияти унинг ижобий ва салбий жиҳатларини ажратиш кўрсатиш имконини яратади.

Олий таълим хизматлари бозорининг мұхим иқтисодий афзаллiği унинг таълим хизматларини ишлаб чиқаришни мунтазам рағбатлантиришидадир. У ўқитишнинг замонавий, илғор педагогик технологияларни, ўқитиш интерактив методлари ва усулларини кўллаш асосида истеъмолчиларни, иқтисодиётнинг таълимга бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ қондиришга интилади.

¹ Муаллиф томонидан тузиленган.

Шайзаков Б.И.

ЎзМУ иқтисодиёт факультети катта ўқитувчisi

Нишонова Д. Б.

ЎзМУ иқтисодиёт факультети талабаси

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши жамиятнинг янгиланиш жараёнига тўғри келди ҳамда у тури омиллар таъсиринда аста-секинлик билан ривожланиб, хизматлар ҳажмининг ортиб бораётгани билан тавсифланади. Маълумки, туризм ички ва ташқи турларга бўлинади. Мустакиллик йилларида юртимизда ҳалқаро туристик хизматлар сони ва сифати йилдан йилга ортиб бораётганини кўришимиз мумкин. Лекин ички туризмнинг ривожланиши нисбатан паст тенденцияни кўрсатмоқда. Агар 2013 ва 2014 йилларда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларнинг таркибини таҳжил қиласидиган бўлсан, унда туристик-экскурсия хизматларининг энг кам улушлардан бирига эга бўлганлигини кузатишмиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларнинг таркиби¹ (жамига нисбатан фоизда)

	2013	2014
Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар – жами	100	100
жумладан:		
маший	9,4	9,7
транспорт	26,1	25,4
Алоқа	15,7	15,6
уй-жой коммунал	15,8	16,2
таълим	8,7	8,7
маданият	0,6	0,7
туристик-экскурсия	0,5	0,4
жисмоний тарбия ва спорт	0,5	0,5
соғлиқни саклаш	2,9	3,2
санатория-куорот ва соғломлаштириш	0,5	0,6
хуқуқий характердаги	0,2	0,2
банк муассасалари	4,8	4,4
бошқалар	14,3	14,4

Жадвал маълумотларидан кўринадики, юртимиз аҳолисига кўрсатилган хизматларнинг асосий қисмини транспорт (25,8%), уй-жой коммунал (16%) ва алоқа (15,7%) хизматлари ташкил этмоқда. Туризм, маданият, соғломлаштириш бўйича кўрсатилган хизматларнинг саломғи эса сезиларли кам.

Туризм тараққий этган давлатлар тажрибаси шуну кўрсатадики, туризм соҳасини ривожлантиришда улар биринчи навбатда ички туризмни ривожлантиришига эътибор беришган. Ўз ҳалқини туризм соҳаси хизматларидан фойдаланишига ўргатишган. Европа мамлакатларидан


¹Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам / Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси; - Тошкент, 2015-Б.188

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ
ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**
рида ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб ички туризмни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилган ва бу дастурларниң асосий мақсади аҳолининг бўш вақтларида ўз давлатлари худудида сайд-саёҳат қилиши, дам олишини ташкил қилишдан иборат.


Бугунги кунга келиб юқори даражада ривожланган давлатларда туризм хизматларида ички туризмнинг салмоғи сезиларли катта улушга эгалиги билан аҳамиятлидир. Мисол учун, Америка-када туристларнинг 95 фоизи ўз давлати худудида сайд-саёҳат қиласидар, атиги 5 фоизи чет давлатларга чиқадилар. Жаҳон сайёхлик саноатида етакчи ўринин эгаллаган Испанияда ҳам 90 фоиз аҳоли мамлакат бўйлаб туризтик сайд-саёҳатда бўлади. Ҳар бир Япониялик йил давомида ўз мамлакати худудларида ўртача 3 марта сайд-саёҳат қиласи. Бу мамлакатларда ички туризмдан келадиган даромад ташси туризмницидан анча юқоридир. Шунингдек, туризм соҳасининг ЯИМга кўшган умумий ҳиссаси бўйича 2014 йилда АҚШ дунёнинг 184 мамлакати ичидаги 1-ўринни, Япония эса 4-ўринни эгаллаб турибди. Ўзбекистон Республикаси эса 2 фоиз билан 119-ўринни эгаллаган¹.

Юқоридаги мисоллардан ҳам маълумки, мамлакатнинг туризтик соҳадаги имкониятларини рўёбга чиқарища ички туризмни ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Америка Қўшма штатларида ички туризм харажатлари 2014 йилда туризм соҳаси жами харажатларнинг 79,4 фоизини² ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Европа мамлакатларида 67,2 фоизини³, Японияда эса жуда юқори кўрсаткични – 91,8 фоизни⁴ ташкил қилган.

Америка Қўшма Штатлари саёҳат ва туризмнинг ЯИМдаги ҳиссасига кўра



Европа саёҳат ва туризмнинг ЯИМдаги ҳиссасига кўра



¹ Travel&Tourism Economic impact 2015/ Uzbekistan-P.7


² Travel&Tourism Economic impact 2015/United States of America-P.6

³ Travel&Tourism Economic impact 2015/ Europe-P.6

⁴ Travel&Tourism Economic impact 2015/ Japan-P.6

Япония

саёҳат ва туризмнинг ЯИМдаги ҳиссасига кўра



Ички туризмни ривожлантиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиб ахолининг мамлакатда мавжуд туристик ресурслар, туристик хизматлар ва маҳсулотлар, туристик инфратузилма ҳақида маълумотга эгалилиги ҳисобланади. Халқаро туристлар интернетдаги сайtlар ҳамда гид-операторлар орқали мамлакатимизнинг туристик салоҳияти ҳақида етарлича маълумот олишлари яхши ташкил этилган бўлса-да, маҳаллий аҳоли бу ахборотлардан бехабарлигини кузатишими мумкин. Билмаган инсонга қизиқ бўлмаганидек, ахолининг ҳам мавжуд туристик йўналишлар ҳақида бехабарлиги, баъзи ҳолларда қизиқса-да, ахборотларни олишнинг қийинлиги ички туризмни ривожлантиришда тўсиқ бўлиб туриди. Бу муаммони ҳал қилиш учун оммавий ахборот воситаларининг фаолигини ошириш, яъни телевидение, газета, радио орқали мамлакатимизнинг туристик хизматларини оммага кенг реклама қилишини йўлга кўйиш зарур. Ҳозирги кунда ахбортина тарқатишнинг энг замонавий ва тезкор усули бўлмиш интернетдан ҳам самарали фойдаланиб, жозибадор ҳамда маъноли сайtlарни яратиш, шунингдек, ижтимоий тармоқларда ҳам туристик хизматларни реклама қилишини амалга ошириш мумкин.

Ички туризмни ривожлантиришнинг яна бир муҳим омили нарх омилидир. Туристик хизматлар ва инфраструктура обьектлари хизматининг нархи ахолининг барча қатламларига мос келиши лозим. Аксарият ҳолларда, саёҳат даври энг камида 2-3 кунни, бавзида эса 7-10 кунни ташкил қўлади. Бундай шароитда аҳоли томонидан меҳмонхоналар, пансионатлар ва бошқа турар-жойларга эттиёж сезилиши шубҳасиз. Бугунги кунда юртимизда 320 дан ортиқ меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда.¹ Лекин уларнинг нархи аҳоли даромадларига нисбатан анча баланд. Нархларни пасайтириш учун меҳмонхоналар сонини кўпайтириш ҳамда хусусий мулкчилик асосида эркин рақобатни ривожлантириш зарур. Бунинг ўрнига уларнинг урнини босувчи отель, мотель, хостель, кемпинг каби кам харажатли турар-жойларни ҳам ташкил этиш мумкин. Маҳаллий аҳоли ташриди бурадиган ҳолларда маҳсус чигирмалар асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш, давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектларга маҳсус имтиёзлар берувчи дастурларни ишлаб чиқиш лозим.

Шунингдек, миллий туризм таклиф қилаётган хизматлари асосан, тарихий обидаларга саёҳат билан боғлиқ. Бу юртимизнинг халқаро туристларга таклиф қилинаётган туристик йўналишларида ҳам ўз аксии топган. Ўзбекистонда 550 та сайёхлик компанияси – туроператорлари фаолият юритмоқда, мамлакатимиздаги тарихий обьектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёхлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий мерос обьектлари, 30 таси табиий-рекреациян, 15 таси соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир². Бироқ Ўзбекистоннинг бой табиати, иқлими бошқа турдаги туристик маҳсулот ва хизматларни яратишга

¹ www.airways.uz

² www.press-service.uz/Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Жаҳон Сайёхлик Ташкилоти Ижроия Кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқи

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

ҳам имкон беради. Мисол учун, юртимизда экотуризм, чанғида учиш, этник туризм, рафтинг, тиббий туризм, сафари, бизнес туризми каби туризмнинг замонавий турлари ривожлана бошлаган ва халқаро сайёхлар орасида машҳур бўлиб бормоқда. Мавжуд салоҳиятдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳам халқаро, ҳам ички туризмнинг ривожига ижобий таъсир қиласди. Шу мақсадда кейинги йилларда мамлакатимизда ҳудудларнинг сайёхлик имкониятларини ошириш ва тарғиб этиш, курортлар ҳамда сайёхлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, ички имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда.

Ички, шу билан биргалиқда, халқаро туризмни ривожлантирувчи яна бир муҳим омил – инфратузилманинг шаклланганлиги билан боғлиқдир. Саёҳат давомида тўхтаб дам олиш, ўзини тартибига келтириш, табигат манзараларидан баҳраманд бўлиш учун йўл бўйи инфратузилмаси яхши ривожланган бўлиши лозим. Туристларнинг қисқа вақтли тўхташлари учун мўлжалланган бундай объектлар қаторига кичик кафелар, бирламчи маҳсулотлар ва сувенирлар сотилиадиган магазинлар, санитар узеллар, телефон, факс, интернет хизматларини тақдим қилувчи бизнес-марказлар, шунингдек, автомобиллар тўхташ жойи кабиларни киритиш мумкин. Шу мақсадда юртимизда Вазирлар Мажкамасининг 2015 йил 10 марта 51-сонли “Йўл бўйи ва туризм инфратузилмаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, мамлакатимиз бўйлаб 100 дан ортиқ газ қўйиш компрессор станциялари ҳамда 30 га яқин маданий мерос, маданий-кўнгилочар муассасалар ёнларида замонавий ва барча талабларга жавоб берадиган, ногирон ва имконияти чекланган шахслар учун барча қуайликлар мавжуд бўладиган санитария-гиgienик узелларни қуриш режалаштирилди. Бундай кичик объектларнинг яратилиши юртимизда сайёхлар оқимининг кескин ошишига олиб келади. Бинобарин, Биринчи Президентимиз таъкидлариганлариdek, “Аминманки, бу борада, яъни, туризм соҳаси ва сайёхлик бизнесида майда нарсанинг ўзи бўлмайди.”¹

Туризм жуда кенг қамровли соҳадир. Унинг ривожланиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисолий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Аҳоли фаровонлиги, турмуш даражасининг яхшиланиши, бандлукнинг ошиши, даромадларининг ўсиши кабилар шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Туризм асослари-ўқув қўлланма/М.А.Мирзаев, М.Т.Алиева-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2011.
2. Travel&Tourism Economic impact 2015/Uzbekistan
3. Travel&Tourism Economic impact 2015/United States of America
4. Travel&Tourism Economic impact 2015/ Europe
5. Travel&Tourism Economic impact 2015/ Japan
6. www.uzbektourism.uz
7. www.airways.uz
8. www.press-service.uz

¹www.press-service.uz//Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Жаҳон Сайёхлик Ташкилоти Ижроия Кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқи

Пұлатова Ш.А.

ЎзМУ иқтисодиёт факультети ўқитувчisi

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЯНГИ ТЕҢДЕҢЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА БУНДА БРЕНДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли, узоқни кўзлаган ислоҳотларни хаётга изчил татбиқ этилиши натижасида , иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари ва унинг макроиктисодий мутаносиблиги таъминланмоқда. Биринчи Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, “Утган 2015-йилда мамлакатимизга жалб қилинган инвестициялар миқдори 15 миллиард 800 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21% дан ортиғи хорижий инвестициялар ҳисобланади. Бу кўрсаткич 2014 -йилга нисбатан 9,5% кўп демақдир.”¹

Бугунгни кунда мамлакатимизда ҳам рақобатбардош, жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи таниқли товар маркалари тобора кўпаятганигини гувоҳи бўлаяпмиз. Масалан; Artel , Ideal, korzinka uz, akfa, fauz holding , UZTE, UZ TEX каби миллий маҳсулотларимиз харидорларни сифатли маҳсулот ва хизматлар билан таъминлаб келмоқда.

Шу билан бирга мамлакатимизда рақобатбардош, дунё стандартлари талабига жавоб берадиган товарларни жаҳон бозорига экспорт қилиш саломғи ҳам йил сайин ўз натижасини кўрсатмоқда. Энг сўнгги технологиялар асосида курилган ишлаб чиқариши воситалари, дастгоҳлар ва машиналарнинг чет элдан кириб келиши тадбиркорларга янгидан – янги имкониятларни яратмоқда. Шу ўринда товар категориясиага чукурроқ назар солсак, иқтисодий адабиётларда товар бу- алмашува ва истеъмол қийматига эга, бирор эҳтиёжни қондирадиган, сотиш учун яратилган меҳнат маҳсулни дея таъриф берилган. Демак , ҳар қандай товар аввалим бор, бирор нафлийкка эга бўлиши шу билан бирга , ҳамёнбоп қийматта ҳам эга бўлиши керак. Бироқ харидор учун танлов имконияти жуда кенг, рақобат юқори бўлгандачи? Бундай ҳолатда сифат даражаси ва нафлийк даражаси икки баробар юқори бўлиши керак. Инглиз иқтисодчиси А. Маршалл биринчилардан бўлиб, товар қиймати тенг даражада кейинги кўшилган нафлийк ва сарф-харажатлар қиймати билан аниқланади деган назарияни илгари сурди. Класик иқтисодчиклар вакили Д. Рикардо эса товар қанчалик нафли бўлмасин, унинг қиймати товарнинг яратилишига сарфланган меҳнат ва иш вақти билан ўлчанади деб ҳисоблаган.

Сифатли ва нафли товар деганда кўз олдимиизга беинтиёр бренд товарлар келади. Бренд товарлар егаллаб турган ўзига хос мавқеи, таниқли имидж ва шу билан бирга юқори нархга қарамасдан, харидорлар ичида талабнинг пасаймаслиги каби ютуқларга эришиш учун корхоналар қандай стратегияларни кўллаганини таҳлил қилишга ҳаракат қиласамиз. “Бренд” сўзига замонавий иқтисодчи олимлар турлича таъриф беришган таниқли иқтисодчи Филипп Котлер бренд бу бозорда бошқа ўхшаш товарлар ичида ажralиб туришга ёрдам берадиган ўзига хос ном,

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мулжалланган иқтисоди дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар махкамасидаги маърӯзаси. 17.01.2015

ИҚТІСОДИЁТНИҢ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТІСОДИЙ МУТАНОСИБЛІГІНИ ТАЪМИНЛАШ

атама ёки ўзига хос дизайн¹ деса, Эл Райс эса истеъмолчи онгига киритиб берилган фикр бренднинг ўзига хос элементи деб ҳисоблайди. Шу ўринда брендга икки томонлама қараш зарур . Бир томондан бу маблаг , компания әгаларинин бойлиги бўлса, иккинчи томондан маълум бир ўлчамга эга бўлмаган тизим. Баъзи брендлар йирик ва машхур шахслар орқали дунёга танилади. Глобал бозорда машхур спортчилар актёр ва мусиқачилар ва бошқа соҳанинг машхур вакиллари ўзига тегишли товарларни ёки хизмат қиливчи ташкилотларни яратади. Айнан шунинг натижасида ушбу маҳсулот ўз ноёблигига эга бўлади ва брендга айланади.Мутахассислар бренднинг 2Хил маданияти мавжудлигини этириф этишади: 1)Фарбий қараш, 2) Осиёча қараш.

Фарбий қарашга ёрқин мисол қилиб , Procter& Gamble компаниясини олишимиз мумкин . Махсулот тури тез ўзгараётган замонда фарбий бренднинг маданияти ўзига хос қомисига айланди. Битта маҳсулотнинг салбий нуфузи бутун бошли компаниюнинг ва бошқа товарлар нуфузига таъсир қиласмили учун бош ишлаб чиқарувчи компания охирги истеъмолидан яшириладиган бўлди. Маркетингнинг класик моделида аниқ бир маҳсулотга боғлиқликни кўзда тулади. Лекин шунга қарамай, баъзи компаниялар ўз товар белгиларни бошқа бир неча товар ишлаб чиқарувчиларга тарқатганлар . Бунга мисол қилиб, Nestle ва Colgate-Palmolive компанияларини олишимиз мумкин.

Осиёча қарашда эса, бошқа концепция амал қиласи. Компаниялар энг аввало корпарация даражасида брендни молиялаштиради. Иккинчи навбатда эса, анчагина кам даражада маҳсулотни молиялаштиради.

Брендларнинг яна бир ўзига хослиги уларнинг бетакрорлигига яни бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар айнан ўша маҳсулотни ҳеч қажон яратса олмаслигидадир

Замонавий иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, Миллий маҳсулотлар категориясини янада мустаҳкамлаш борасида бир қанчанга таклифларини кузатишмиз мумкин:

1) Ишлаб чиқариши ташкил этишида фақат энг малакали мутахассислар хизматидан фойдаланиш. Жонсиз активлардан фарқли ўлароқ, инсон капиталидан самарали фойдаланиш бизнесда катта аҳамият касб этади. Мутахассисларнинг билим ва кўнингмаларини шартли равишда бизнеснинг юраги билан тақъослаш мумкин.

2) Корхоналарда маркетинг тизимини такомиллаштириб , сервис ва reklama каналарини ривожлантириш.

3)Корхоналарда сифат менежменти тизиминини жорий этиш, ривожлантириш ва корпоратив маданияти шакллантириш.

4) Ҳамдустлик давлатларида савдо уйлари, диллерлар, консалтинг, инжиниринг каби хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш.

Сифат бошқаруви бўйича замонавий ёндашувлар таҳлилига кўра, ҳар қандай корхона ва ташкилот учун ISO 9000 ҳалқаро стандарти, комплекс сифат бошқаруви, миллий ва ҳалқаро мукофотлар тамойил ва мезонлар асосида сифат бўйича ишни самарали йўлга қўйиш инструменти ҳисобланади. Сифат менежменти тизимни мувофақиятли йўлга қўйиш нафақат иш унуми ва рақобатбардошликни ошириш балки бозордаги улушни кўпайтиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида компания ва бутун миллий иқтисодиёт нуфузининг ошишига ёрдам беради.

Россиядаги РосИнтеллектСервис компаниясининг энг таникли товар белгиларининг рейтинги таҳлилида ушбу маълумотларни кузатишмиз мумкин : Бугунги кунда дунёдаги энг оммабоп ва харидоргир товар белгиси – APPLE компаниясига тегишли экан .Бу товар белгисини сотиб олиш (182885 млн .) АҚШ долларини ташкил этар экан.ундан кейинги ўрнларда эса, Google, IBM, McDonalds, Microsoft ва Coca-cola компанияларя әгаллайди. Маълумотларга кўра, жаҳонда юз берган молиявий инқирозга қарамай,2009 йилдан бутунги кунгача юқоридаги товар белгиларига тегишли маҳсулотлар нархи пасаймаган аксинча кўтарилаётганинги гувоҳи бўялпазис.

¹ Котлер Ф. Основы маркетинг.-М..Прогресс , 1990.-613 бет.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

Бунга сабаб юқоридаги таниқи компаниялар үзиге хос товар ишлаб чиқарыш стратегияла-рини самарали құллаб келишган. Замонави иқтисодчиларнинг фикрига кўра, бренд стратегияси қўйидаги элементларни ўз ичига олади.

- мақсадли гурухга ким кириши
- бу гурухга қандай ваъдалар бериш мумкинлиги
- бу таклиф қандайдир аҳамиятга эканлиги
- охирги таасуротнинг қандай бўлиши.

Реклама мутахассислардан Рооссер Ривз бренд ишлаб чиқаришнинг қўйидаги принципини ишлаб чиқди- махсулотнинг үзига хослигидан фойдаланиш. Фоя жуда оддий-максулотнинг бошقا маҳсулотлардан кўра устун томонини топгунча уни таҳлил қилиш. Агар маҳсулотнинг устун томони топилмаса, унинг үзига хослигини қидириб топиш керак. Бу шундай үзига хослик бўлиши керакки фақт шу маҳсулотгина унга эга эканлигини истеъмолчига кўрсата олсин. Мутахассислар кўпинча шоу -эфект усулини ҳам қўллаб, маҳсулотнинг үзига хослигини кўрсата оладилар.

Маълумот ўрнида шуни айтишимиз жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимизда 90 дан ортиқ хорижий давлатлар иштирокида 4 мингдан зиёд корхоналар фаолият кўрсатмоқдалар. Бу компаниялар юртимизда ҳам, унинг ташқарисида ҳам яхши маълум. Булар қаторига; "GM Uzbekiston", "Sam Auto", Generaj Motors Powertrain Uzbekistan "каби компаниялар киради.

Мамлакатимизда корхоналарга экспорт салоҳиятини юксалтириш учун қатор имтиёзлар яратилган. Биргина солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўндан ортиқ солиқ имтиёзлари ва преференциялари мавжуд. Шулардан асосийлари қўйидагилар ҳисобланади;

-экспорт қилувчи корхоналар (хом ашё товарларидан ташқари) учун фойда солиғи ва мулк солиғи ставкаси умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валю-тага сотилган товарлар экспортидаги улушига боғлиқ ҳолда камайтирилади.¹

- экспорт улуши 15 % дан 30% гача бўлган миқдорда бўлса-30%га
- экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида- 2 маротаба²
- 2016-йил 1 январга қадар республикадаги ўз маҳсулоти ҳажмининг, жумладан ярим маҳсулотларнинг 80%и ва ундан ортигини эркин алмаштириладиган валютага сотадиган тўқимачилик саноати корхоналари мулк солиғи тўлашдан озод қилинган.³

Шуни таъқидлашмиз жоизки, ҳукуматимиз товар белгиси тўғрисида ўз қонунига эга бўлиб, унда юртимизда товар белгиларини ташкил этишининг ҳуқуқ ва нормалари кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисидаги" қонунунида товар белгиларини ҳуқуқий томондан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибига солади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз керакки, юртимизда яратиб бериладиган кенг имкониятлар, кичик бизнес ва тадбиркорлик ни ривожлантириша бўлган эътибор, қонулар ва қарорлар мамлакатимизда товар ишлаб чиқарыш фаолиятини ривожланган давлатлардаги каби ривожлантириш имконини бермоқда. Бизнинг олдимиизда турган вазифа эса, тўғри ва самарали маркетинг ва брэндинг сиёсатини олиб бориш орқали тадбиркорлик фаолиятимизни ривожлантиришдан иборатdir.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5-иондаги "Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчilarни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ -2613 сонли фармони

² Ўша ерда

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28-мартдаги "Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ -1512- сонли қарори.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ
ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Адабиётлар.

1. Каримов И. А. Ўзбекистон Президентини Ислом Каримовнинг мамла- катимизни 2015 йилда ижтимоий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисоди дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар махкамасидаги маърӯзаси.17.01.2015
2. Котлер Ф. Основы маркетинг.-М..Прогресс , 1990.-613 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5- июндаги "Экспорт махсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида" ги ПФ -2613 сонли фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28-мартдаги "Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ -1512- сонли қарори.

Раҳматова Н.А.
ЎзМУ иқтисодиёт факультети катта ўқитувчisi
Сайдрасулова М.
ЎзМУ иқтисодиёт факультети талабаси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ МАМЛАКАТДА ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҮЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Мамлакатимиз ўзининг 25 йиллик мустақил тараққиёт йўлида жамиятнинг барча соҳаларини қайта куришга, тубдан янгилашга эршиди. Мустақиллик йилларида изчил амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ бугун ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлмоқда. Республикаизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида шуни таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан миллат кела-жаги бўлган ёшларга қаратилган этибор, уларнинг ҳар томонлама етук шахс сифатида камол топиши учун яратиб берилган шарт-шароитлар бутун амалда ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Хусусан, сўнгги йиллarda мамлакатимиз ёшларининг фан, таълим, маданият, спорт, санъат ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари этиборга молидир.

Бугун мамлакатимиз ижтимоий йўналтирилган, барқорор ўсииш суръатларига эга бўлган иқтисодиётга эришган ҳолда дунёning етакчи ривожланган мамлакатлари қаторидан жой олиши мақсад қиласар экан, мамлакат тараққиётининг муносибворисларини тарбиялаш, ривожланган иқтисодиёт шароитлари ва талабларига мос, интеллектуал салоҳияти юкори бўлган, рақобатбардош малакали кадрлар тайёрлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бўлиб ҳисобланади.

Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга қаратилган давлат сиёсати муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги асосий устувор йўналишлар ва муҳим вазифаларни бегилаб олиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”¹ ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1991 йилнинг 20 нояброда Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида биринчи бўлиб қабул қилинган эди. Бугуга кунга келиб эса республикаизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари муносиб тарзда яратилгани ҳолда, 2016 йилнинг 15 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”² ги Қонуни эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун мамлакатимиз ёшларини ҳар томонлама қўйлаб-кувватлашга йўналтирилган ислоҳотларнинг самарали амалиётини таъминлашда ҳал қулиувни аҳамиятга эга. Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қаторида ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ёшларнинг хукуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш алоҳида йўналишлар сифатида қайд этиб ўтилган.³ Бу эса бевосита республикаизда таълим ва ишлаб чиқариш үйғунлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг асосини ташкил қиласди.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонуни “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”, 15.09.2016. 5-модда.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Шуниси эътиборлики, қонунда давлат томонидан ёшларнинг иқтисодий мустақиллиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлашнинг асосий йўналишлари алоҳида қайд этилган. Жумладан:

- давлат органлари томонидан ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда кўмаклаши;
- ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш;
- ёшларни тадбиркорлик фаолияти асослари бўйича ўқитиш, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорликни шартнома асосида ривожлантириш;
- ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-кувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёба чиқариш бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.¹

Ёшлар тадбиркорлигининг қўллаб-кувватланиши ҳамда уларга имтиёзли кредитлар ажратилиши мустақиллик йилларида ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашда мухим омил бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунда 30 ёшгача бўлган иқтисодиётда банд ахолини маълумоти бўйича таҳлил қиласиган бўлсак, улар орасида ўрта маҳсус таълимга эга бўлган ёшлар нисбатан юкори улушни ташкил этади. Бу ўз навбатида, ўрта-маҳсус таълим муассасалари битирувчилари орасида тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш, уларни имтиёзли микрокредитлар билан таъминлаш, шунингдек, иқтисодиётдаги самарали таркибий ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги кенг кўламили чора-тадбирларнинг ижобий натижасидир.

Мамлакат иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш шароитида, айниқса, таълим ва ишлаб чиқариш уйғуларигини таъминлаш асосий устувор вазифа ҳисобланади. Зеро, мамлакатда ёш мутахассис кадрларни иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ва янгилишларга мос тарзда тайёрлаш бир томондан ислоҳотлар самарасига, иккинчи томондан ёшларнинг иш билан бандлигига таъсир этувчи асосий омиллардан биридир. Шу нуқтаи назардан, 1997 йил 29 августда давлатимиз таълим тизимининг асосий йўналишлари ва миллий хусусиятларини ўзида акс этирган “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури” қабул қилинган. Босқичма босқич амалга тадбиқ қилинган ушбу дастурнинг бугунги кундаги навбатдаги – учинчи босқичида рақобатбардош етук малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш асосий устувор вазифа қилиб белгиланган.

Мамлакатимизда таълим ва ишлаб чиқариш уйғуларигини таъминлаш ҳамда меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, замон талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим муассасалари ҳамда иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни шартномалар асосида ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ўз фаолият соҳаларига оид назарий билимларни пухта этгallашлари билан биргаликда, олган билимларни ўз вактида амалиётда мустаҳкамлаб боришлари уларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишлари, келгусида иш жараёнига тез мослашишларида мухим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, таълим сифатини ошириш орқали таълим муассасалари билан биргаликда иш берувчилар ўртасида ҳам фаол рақобат мұхитини шакллантириш бу борада мухим вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда, айниқса, олий таълим тизимида узлуксиз ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Олий таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрлар таркибининг бугунги кун мамлакатимиз меҳнат бозори талабларига мос бўлишини таъминлаш мақсадида таълим йўналишларини қайта ташкил қилиш ҳамда кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, маълумотларга кўра, сўнгги 10 йилинида мамлакатимизда тайёрланаётган мутахассисларнинг асосий қисми маориф, соғлиқни сақлаш, алоқа ҳамда иқтисодиёт соҳаларига тўғри келади. Шу нуқтаи назардан, бугунги кун меҳнат бозори талабларидан келиб чиқсан ҳолда, иқтисодиётдаги модернизация ва диверсификация жараёнлари талабларига жавоб берувчи етук мутахассислар тайёрлаш бугунги кунда ислоҳотлар самарасини таъминлашнинг мухим омилларидан ҳисобланади. Шу билан бирга, республикамиизда ёшларга оид давлат сиёсатини

¹ Ўзбекистон Республикаси қонуни “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”, 15.09.2016. 26-модда.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

амалга оширишда тегишли давлат органлари қаторида таълим муассасалари ҳамда меҳнат органларига алоҳида ваколатлар ҳамда вазифалар юқатилган.

Хуласа ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда изчил олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, таркибий янгиланишлар, модернизация ва диверсификация жараёнлари мазкур ўзгаришларга муносиб, рақобатбардош, малакали кадрларни тайёрлаш масаласининг аҳамиятини янада оширади. Шу жумладан, иқтисодиётдаги янгиланишларга мос равишда таълим тизимини модернизация қилиш, тавлим муассасаларининг моддий-техникик базасини янада яхшилаш ҳамда кадрлар сифатини ошириш галдаги мухим вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Бу ўз навбатида, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш, ёш мутахассисларнинг ўз фоалият соҳалари бўйича бевосита амалиёт жараёнида ўз малака ва қўникмаларини ошириб боришилари, ишлаб чиқаришдаги техник ва технологик янгиланишлар билан мунтазам равишда танишиб, улар билан ишлаш қўникмасини доимий равишда шакллантириб бориш имкониятига эга бўлишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқидир. Мазкур чора-тадбирлар ёшларнинг меҳнатда самарали бандлигини таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг бўши вақтларини унумли ташкил этиш, ёшлар орасида турли ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, бир сўз билан айтганда, ёшларга қаратилган давлат сиёсатининг оқилона тарзда олиб борилишига хизмат қиласди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”, 15.09.2016. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил.
2. Альманах Узбекистана. Ташкент 2014.
3. “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури” 1997 йил 29 август.

ИҚТІСОДИЁТНИҢ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТІСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Рустамова Д.Д.

ЎзМУ иқтисодиёт факультети доцент в.б., и.ф.н.

ИНСОН КАПИТАЛИГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛарНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг юксалиши, ривожланиши ёки аксинча, инқизорзаг юз тувиши ўша мамлакатдаги таълим тизимининг қай дараҷада ривожланганилигига боғлиқдир. Ҳозирда янгиланаётган жамият учун ҳамда эркинлашашётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатлар учун аввало шу сифатларга мос тарзда фаолият кўрсатишга қодир таълим тизими зарур. Шунинг учун ҳам таълим тизими Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинган.

Таълим қай дараҷада ривожланган бўлса, миллий иқтисодиётда шунга мос қасбий тайёргарликка эга бўлган ходимлар фаолият кўрсатади ва шунга мос иқтисодий ўсишга эришилади. Таълим соҳаси иқтисодий ўсишга эришишинг имконияти бўлиб ҳисобланади.

Республикамизнинг биринчи Президенти томонидан мамлакатни ижтимоий-иктисодий ва истиқболли ривожлантириш концепцияси асосида, иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий қайта куриш шароитида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга катта этибор қартилмоқда. Республикамизда олиб бораилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим мақсади юртимизда соғлом ва барқамол, билимли, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат.

“Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳукуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш” ҳам асосий вазифадир. Таълим тизимини ривожланган демократик ҳукуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш деганда ўқувчи мустақил фикрлашга эга бўлиши, ўз ҳукуқ ва бурчларини ўқиш жараёнда ўрганиб бориши тушиунилади.

Маълумки, фақат қонун асосида ишлаш ва яшаш йўли билангина ривожланган ҳукуқий, демократик давлат шаклланади. Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий модели қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу модел Ўзбекистоннинг ҳалқаро андозалардаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш бўйича давлат сиёсати рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва ҳалқ ҳўжалигига юксак салоҳиятилар кадрлар етказиб беришга мўлжалланган ягона тизимга йўналтирилган. Таълим тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий-иктисодий моҳияти бир тарафдан аҳолининг интеллектуал салоҳияти дараҷасининг ошишига замин яратиш, иккинчи тарафдан эса уни иқтисодиётнинг ривожланиши, иқтисодий ўсишга эришишида намоён бўлади.

Кучли ҳалқаро рақобат шароитида мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун аҳолининг интеллектуал салоҳиятидан тўлиқ ва унумли фойдаланишни таъминлаш зарур. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамоийларидан бири билимли бўлиш ва истеъодни рағбатлантириш; таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғуллаштириш эканлиги ва таълим ҳамда тарбиянинг инсонпарвар, демократик тавсифга эгалиги белгиланган.

Билим таълим соҳасининг маҳсулси сифатига ўзига хос белгиларга эга. Хусусан, унинг бебаҳо ижтимоий незматлигиги; чекланмаганилиги ва фойдаланган сари камаймаслиги; маконга боғлиқ эмаслиги; қайтарилмаслиги; вужудга келтирган қиймати, кейин ундан фойдаланиш интенсивлигига боғлиқ эмаслиги; вақт билан боғлиқлиги; тезда тарқалиши ва эскириши; билимларни

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

олгунча уларни обьектив баҳолашнинг имконияти йўқлиги ва ҳакозолар шундай белгилар сира-сиандир.

Бугунги кунда таълим инсон фаoliятининг барча соҳаларига янги технологияларни жорий этиш, рақобатбардошликни ошириш, турмуш даражасини кўтаришининг муҳим шартига айла-ниб бормоқда. Юртимида таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган ишларнинг моҳияти биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, хеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшлари-миз, бутун ҳалқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратишдан иборатdir.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширища таълим тизими уч асосий сабабга кўра муҳим аҳамият касб этади. Булар:

- кишиларнинг қонунга амал қилиш ва демократик жамиятга асосланган жамиятни курища иштирок этиш хукуқидан фойдаланишларида таълим асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади;
- таълим иқтисодий ўсишни таъминлайди ва кишиларга иқтисодиётга моддий ҳисса кўшиш учун зарур бўлган кўнімларни беради;
- таълим ижтимоий бойликнинг муҳим қисми ҳисобланиб, у ўзбек ҳалқининг бой тафаккури ва миллий меросини тиклашда асос вазифасини ўтайди.

Таълим тизими орқали аҳолини интелектуал салоҳиятини ошириш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини беғловчи муҳим омилдир. Шундай экан инсон капиталига инвестицияларни амалга ошириш орқали аҳоли билим ва кўнімларини шакллантириш, ривожлантириш, интелектуал салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор бериши зарур. Хўш, инсон капитали ўзи нима?

Инсон капитали тушишнинг "Иқтисодий энциклопедия"да "маблағ ажратишнинг алоҳида тури, инсоннинг қайта ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга сарфланадиган ҳаражатлар йиғиндиси, сифатни ошириш ва ишчи кучи хизматларини яхшилаш деб таъриф берилади. Умумий маълумот ва маҳсус характераги билимлар, кўнімлар ва тўплангандаги тажриба инсон капиталини объектининг таркибий қисми" ҳисобланади.

Инсон капиталини бу – инсон эга бўлган билим, кўнімка ва қобилиятнинг йиғиндишигина эмас, чунки: биринчидан, бу тўплангандаги билим, малака ва қобилият заҳираси ҳисобланади. Иккинчи навбатда, бу шундай заҳираки, у ёки бошқа бир муҳитда инсон томонидан ижтимоий қайта ишлашга сарфланади ва меҳнат унумдорлиги ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўсишига имкон беради. Учинчидан, тўплангандаги билим, кўнімка ва қобилият заҳирасининг мақсадга мувоффик ишлатилиши фаoliятнинг юкори унумдорлигига ишчи иш ҳақи (даромади) нинг ўсишига олиб келади. Тўртингидан эса, даромаднинг ошиши инсоннинг рафтаратланирида ва қизиқтириди ҳамда янги билим ва кўнімлар заҳирасини тўплаб келажақда унумли кўлашга сабаб бўлади.

Инсон капиталига инвестициялар – меҳнат унумдорлигини ошириш учун қўлланилган ихтиёрий чора, йўл ва қарорлар йиғиндишидир.

Иқтисодичи олимлар инсон капиталига инвестицияларнинг 3 турини ажратиб кўрсатадилар:

- таълимга ҳаражат. У умумий ва маҳсус, расмий ва норасмий таълим ҳамда иш жойла-рига кўра тайёргарликни ўз ичига олади;
- соғлиқни сақлашга ҳаражатлар. У қасаллик профилактикаси, тиббий хизмат кўрсатиш, парҳез овқатланиш, яшаш шароитини яхшилаш кабиларни ўз ичига олади;
- ҳаракатчанлик ҳаражатлари, нисбатан паст унумдорлик бўлган жойлардан ишчилар-нинг кўчиши туфайли.

Шунингдек инсон капиталига инвестициялар моддий ва номоддий турларга ҳам бўлиб ўрганилади.

Биринчи турга – инсоннинг жисмоний шаклланиши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча ҳаражатлар киради. (боланинг туғилиши ва тарбияси учун чиқимлар);

Иккинчисига – умумий таълим ва маҳсус тайёргарлик учун йиғилган ҳаражатлар, соғлиқни сақлаш ва ишчи кучини тақсимлаш учун йиғилган ҳаражатларнинг маълум қисми киради.

Соғлиқ ва таълимга маблағ ажратиш инсон капиталига инвестицияларнинг муҳим туридан ҳисобланади. Умумий ва маҳсус таълим сифатни яхшилади, инсоннинг билимлари заҳирасини

ИҚТІСОДИЁТНИҢ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТІСОДИЙ МУТАНОСИБЛІГІНИ ТАЪМИНЛАШ

Ҳаёт омилларининг тәнг ахамиятларын алмаشتырылмаслығы конуні В.Р.Вильямс томондан шакллантирилған: "Усімлік уз ҳаёти омилларини хамма шароитларини бир вакднинг узида ва биргалиқта мұхәйе булишларында өки уларни мустасносиз барчасыни шундай оқымда келиб түришини талағ қиласы". Күпинча қонун бошқаща ифода қилинады: "Усімліктарни ھеч бир омили бошқаси билан алмастырилиши мүмкін эмас". Конунн иккінчи қисмі: "Усімлік ҳаётининг хамма омили тәнг ахамиятлы". Бунда ҳам ер омиллары, ҳам космик омиллар назарда тутилады. Ҳаёт омиллары истеъмол микдоридан қатый назар у ёки бу тарзда үсімліклар учүй физиологик жиһатдан бир хил зарур. Агар үсімлік эктикашы қандайдір бир ҳаёт омили билан иссиклиқ, сув ёки қандайдір бир микроэлемент билан таъминламаса, у холда үсімлік халок булади. В.Р.Вильямс Ѽзғанкі: "Хозирғача хамма холларда ёрдам берадиган қандайдір бир восита тұғрисіда орзулар хали сұнмаган ва күпинча қандайдір-бір сұнъй үгітіда өки қандайдір бир ургуни яхшиланған навида бундай воситадан күришга интиладылар¹.

Минимум, максимум, оптимум конуну. Ұмумлаштирилған қонун мөхияти шундаки, әнг қоюори ҳосил омилларни оптималь мөйердә мавжуд булғандагина олиниши мүмкін холос, уни камайтириш (минимум) ёки купайтириш (максимум) ҳосилни пасайишига олиб келади. Минимум қонун Ю.Либих томонидан кашф хилинган. "Минимумда булған модда томонидан ҳосил бошқарилади ва вақт давомида уни микдори ва барқарорлығи белгиланади. Олимлар утказған тәдқиқтот тажрибалары асосида ишботланғанки, минимум қонунды үсімлік ҳаётини хамма омиллары учун шарт. Тажрибалар орқасы ҳосил микдорини нисбатан минимумда булған омилга болғылар эканлығы ишботланған. Хозирғи даврда бу қонун шундай талқын қилинады: "Усімлік эктикашы өтишмаган омилга қондирип борилған сары ҳосил ошиб бораверади. Бу қонуният

¹ Вильямс В.Р. Почвоведение: Земледелие с основами почвоведения. - 6-е изд. - М.: Сельхозгиз, 1949. - с. 185

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

минимумда булиб қолган бошқа омил томонидан чеклангунга қадар амал қиласди, масалан, агар тупроқда озуқа моддалари етарли, лехин сув хам, у холда хосил сув томонидан чекланади.

Узбекистон шароитида, биринчи минимумда сув туради, шунинг учун ушбу минтақада сув туплайдиган ва сувни тежайдиган тадбирлар кўллаш тавсия қилинади. Тупроқни сув билан максимал туйинтириш (максимум) хосилни кескин тушиб кетишига ёки тулиқ халок булишига олиб хелади. Масалан, экинларни суғориладиган ерларда бостириб сугориш. Факатгина усимлик хаётининг ҳар бир омили оптимал тарзда мавжуд булгандагина энг юкори хосил етиштирилади. В.Р.Вильямс қонунни конкрет тушунчасини баён килган: "Энг юкори хосил омилини ўртача (оптимал) меъёрда мавжуд булганда олинади, омил энг кам (минимал) ёки энг кўплигида (максимал) хосил олиб булмайди (нолга тенг)"¹.

Хар бир усимлик оптимал чегараларга эга, уни доирасида ҳаёт омилларининг ҳдр бири билан таъминлаш хосилга жуда яхши таъсири курсатади. Бу усимликларни ёргулик, иссилик, сув ва бонца омилларга муносабатида яккол кузатилади. Шуни айтиш керакки, минимум, максимум ва оптимум нукталари холати доимий эмас, у бошқа омиллар фарқ; килиши ва нисбатларга боғлиқ холда кескин узгарида: "У ёки бу омилни" зарарли таъсири бошланадиган чегара хам уларни кушиб, олиб бориш сингари, доимий эмас. Усимлик хаёти омилларини кушиб олиб бориш шу усимлини хамма омилларга бир вактнинг узида эхтиёжини таъминлаш чеграсига боғлиқ; холда ушбу нукта холати узгарида. Шундай килиб, қандайдир-бир омил ёки бир неча омил билан таъминлашни оптималлаштириш тулиқ мувофакиятга олиб келмайди. Усимлик хаётини хамма омилларини оптимал микдорда, бир вактнинг узида, хозир булишида энг юкори хосил олинини мумкин.

Усимликлар хаётининг алохида олинган шароитларга, қолган бошқаларининг хаммасини микдори узгартмаганда, муносабатини ўрганиш натижасида шу нарса аниқданганки, ўрганилаётган омилни ҳар бир кейинги бир ҳил меъёрдаги микдори олдингисига қараганда хосилни кам даражада устидари. Иқтисодий назариянинг таникли намоёндаларининг ишларида юкорида олинган натижалар "Тупроқни суниб борувчи унумдорлиги конуни" деб номланувчи назарияни исботлашда фойдаланилган. Бу конунга мувофик ерга меҳнат ва капитални ҳар бир күшимча сарфи мос холда эмас, балки маҳсулотни тобора камрок олинисиша олиб келади.

Инглиз иқтисодчиси Г.Р.Мальтус "Ахолишунослик конуни тургисида тажриба" деб номланган асарида (1798 йилда нашр килинган) шундай фикрни билдиранганки, унга мувофик; ер шари ахолиси тирикчилик воситалари ишлаб ҷашаришга қараганда тезрок; усмоқда. Буни бартараф килиш учун у шундай "табиий" тартибиға солувчиларни, яъни уруш, очлик, эпидемияларни кўллаш зарурлигини уқстиради². Мальтус фикрдошлари булган хозирги замон назаритечилари "Тупроқни суниб борувчи унумдорлиги конуни" дан келиб чиқиб, кишилик жамияти ривожи учун гўёки зарур булгандек, уруш конуниятлари назариясини асослашга уринмодалар. Ўз даврида бу конунни ҳаётӣ эмаслигини куп сонли инсонпарвар олим ва намоёндалар танқид қилиб айтишганки, ушбу конун техника даражаси, ишлаб чиқариси кучлари холати ва куп омилларни хисобга олмайди деб таъкидлашган. Шундай килиб "тупроқни суниб борувчи конуни" ни илмий техника тараққиётни жадаллашиб бораётганда уз ахамиятини йўқотади. Чунки унда ишлаб чиқариш восита ва усуллари такомиллашиб боради. Бу конунни ҳаётӣ эмаслиги К.А.Тимирязев, В.Р.Вильямс, Д.П.Прянишников ва бошка олимлар ишларида исботланган.

Дехқончилик соҳасида илғорлар тажрибаси шуни курсатяптики, агар агротехник ва мелиоратив тадбирларнинг илмий асосланган зонал тизими жорий килинса, у холда тупроқ унумдорлиги ортиб хамма кишлок хужалиги экинларни хосилдорлиги усбি бораверади.

Усимликлар хаёти омилларини биргалиқда харакат қилиши конуни илмий адабиёт манбаларида кўпинча ўсиш омилларини биргалиқда амал қилиш конуни деб аталади. В.Р.Вильямс

¹ Вильямс В.Р. Почвоведение: Земледелие с основами почвоведения. - 6-е изд. - М.: Сельхозгиз, 1949. - с. 213

²Либих Ю. Химия и приложение к земледелию и физиологии растений. М., Сельхозиздат, 1936 г. - с. 193

ИЛМИЙ МАҶОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

ушбу қонунни шундай ифодалаган: "хар кандай омилни энг юкори самарадорлиги фақатгина ўсимликларни бошقا омиллар билан тулиқ; таъминланганлыгига амалга оширилади¹.

Қонунни амал килиши ўсимликлар ҳәётининг хамма омиллари бир- бири билан чамбарчас бир бутун нарсага болғанғанда ифодаланади. Улардан бирига таъсир ўтказиш ўз ортидан бошқаларини ўзгаришини келтириб чиқаради. Академик В.Д.Панников таъкидлашича: "Омилларни биргалиқда амал килиши қонунидан асосий хуоса - бу деҳхончилиқда энг юкори самарадорликни қандайдыр ягона агротехник усул билан, хаттоқи у жуда кучли булса ҳам, таъминлаш мүмкін эмас. Унга факат агротехник табдилларни бутун комплексини қўллаш орқали эришиш мүмкін".

Хар бир мутахассис ишончи комил булиши керакки ушбу қонунни амал қилишини хисобга олмасдан кишлок хужалиги экинларидан юкори ва баркарор ҳосил олиб булмайди.

Чегараловчи экологик омиллар табиатдаги хамма экологик омиллар. Биргалиқда мураккаб ҳамжихатлиқда тирик организмларга бир вактда таъсир килади. Организмнинг маълум бир омилларга нисбатан оптимал чидамлилик чегараси бошقا омиллар таъсирига ҳам боғлиқидир. Масалан, оптимал характери мухитда организмни намликтин камлиги ва озиқа моддаларининг етишмаслигига этихёги ортиб боради. Озиқа моддаларнинг етарли булиши билан эса организмдада бир неча экологик омилларнинг узгаришига чидамлилиги ортади.

Табиатдаги бирор бир экологик омилни урнини иккинчи омил боса олмайди².

Ўсимликлар ҳаёт омилларини биргалиқда таъсир килиши нафақат улар бир-бири билан яхши балки ёмон болглашда ҳам ифодаланади. "Конун ўз ифодасини узаро бир-бирини кучайтирадиган воқейлиқда ёки синэнегизмда ва бир-бирини босеиш ёки антогонизмда ҳам топади.

Қонунни жуда мухим амалий ҳусусияти шундан иборатки уни ижобий натижаларни амал қилаётган омилларни миқдорий ўзгариши, парвариш килинаётган экинлар ҳусусиятлари ва этиёжларига мос холда туғри танлаганда кўринади. Бу деҳконга ўсимликини ҳар кандай омилига нафқат туғридан-туғри балки билвосита, у билан боғлиқ; булган бошқа омиллар орқали таъсир қилишга эришиб, юкори ҳосил олишга имкон беради. Масалан, озиқа моддалар кўринишида тупроққа ўсимликлар озиқланиши учун кўплаб моддий ўғитлар солиниб, сувни тежамлирок сарфлаш, айниқса, қурғокчилик йилларида мүмкін.

Тупроққа моддаларни кайтарши қонуни агрокимёнинг асосчиларидан бири XIX аср гранталарида Ю.Либих томонидан кашф килинган. Қонунни моҳияти: ҳосил билан тупроқдан нима бегоналаштирилса, қайтарилиши керак, акс холда унумдорликни пасайиши мукаррар. К.А.Тимириязев қайтарши қонуни фанни кўлга киритган жуда катта ютуғи деб атаган³.

Хозирги даврда бу қонунни шундай тушуниш керак. Ҳамма ҳосил билан тупроқдан олинган ёки бошқа йўл билан йўкотилган биологик мухим озиқа элементларини унга баъзи-бир ортиқаси билан кайтарилиши керак. Бу эса ҳосилни узлуксиз ўсишини таъминлаб ювилиб кетилиши, тўзуб кетиши, бузилиши ва бошقا сабабларга кўра эҳтимолли йўкотишларни коплашни коплаб унумдор катламни таъминлайди.

Бу нарсага тушуниш керак. Ҳамма ҳосил билан тупроқдан олинган ёки бошқа йўл билан йўкотилган биологик мухим озиқа элементларини унга баъзи-бир ортиқаси билан кайтарилиши керак. Бу эса ҳосилни узлуксиз ўсишини таъминлаб ювилиб кетилиши, тўзуб кетиши, бузилиши ва бошقا сабабларга кўра эҳтимолли йўкотишларни коплашни коплаб унумдор катламни таъминлайди.

Экин турини алмаштириш қонуни - бу турли биологик гурухларга мансуб экинларни алмаштириб турниш. Қонун асосида ўсимликлар организмлари (фитоценоз) ва мухит шароитини ўзаро алоқадорлиги ва бирлигининг умумбиологик қонуни ётади. Экин турларини алмаштириб турниш қонунига мувофик; бир майдонда биология ва парваришлар технологияси буйича бир-биридан узок экинлар имкон қадар тезорок алмаштириб турниши керак. Тупроқ унумдорлигини усиш қонунини В.Д.Панников шундай шакллантирадику "Тирик организмларнинг етакчи рол уйна-

¹ Вильямс В.Р. Почвоведение: Земледелие с основами почвоведения. 6-е изд. - М.: Сельхозгиз, 1949.-е.149

² Эргашев А. Умумий экология. Тошкент.: "Узбекистон"-2003, 41-42.

³ Тимириязев К.А. "Менделъ".// Сочинения,т.У1,Сельхозгиз,1939. "Гранат",том 28,с. 443- 445.

ИҚТІСОДИЁТНИҢ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТІСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

шида амалга ошириладиган тупрек; шаклланиши жараёнининг табиатини узида вақти келиб тупрек унумдорлигини муқаррар ўсиши мужассамлашган¹.

Хәёттй жараёнлар натижасида ерда күёш энергияси захиралари ортиб боради, тупрока органик моддалар ва биологик мухит озиқи элементларини жамғарилиши юз беради, ўсимликлар ва микроорганизмлар ҳаёт фаолияти учун янги, қулайрок; шароитлар яратилади.

Табиат билан жамият bogлиқдиги, хусусан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш соҳасида юқорида келтирилган иммий ишланмалар мавжуд булишига қарамасдан улар кенг кўламда оммалашмайди. Табиикий бу нарса инсониятнинг табиий неъматлардан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятига жорий килинmasлигига олиб келди. Буни обьектив асоси ёҳам мавжуд булган. У ёҳам булса шуки, инсоннинг табиатга таъсир даражаси табиатни уз-узини тиклаш қобилияtlари дара-жисидан анча паст булиб, унда "табиат-жамият" тизимидағи мувозанатга сезилилар таъсир кур-сатилмаган ва шунга кура инсон фаолияти бир томонлама йұналишга қаратилган, янын инсон уз-хәёт ва фаолияти жараённанда табиатдан факат олган ва унга фақат ташлаган.

Бунда ундан (табиатдан) олишни кўпайтириш мақадида факат узи учун, табиат учун эмас, маҳсулот олишни кўпайтириш учун, энг аввало, озиқ-овқат етиштиришни купайтириш учун, сунъий воситалар қўллаган. Шунинг учун оммавий кимёвий таъсир остида кишлок хўжалигида салбий таъсирга эга булган омиллар пайдо булди, кимёвий моддалар билан заҳарланган майдонларда инсон саломатлигига катта зарар етказиш қобилиятига эга булган маҳсулотлар етиштирилмоқда. Агарар маҳсулотлар микдор жихатидан орти, бирок; унинг сифати ёмоналашиб.

Ўтган ярим асрда ер майдонларининг улкан микдорда кимёвий моддий ўғитлар олиб чиқиб солинган, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга биз ва фарзандларимиз истеъмол қўлмоқда. Бугунги вазият яхшилангани йук. Пестицидлар руйхати хозирда жуда кенг ва улар хашоратларни (инсектицид), кузикоринсимонларни (фунгицид), бегона ўтларни (гербицид) самарали тарзда йўк килювчи минглаб моддаларни ўз ичига олади. Улар бугунги кунда деярли ҳдмма жойда ишлатилади ва деярли барча фермерларнинг ишончи комилки уларсиз яхши хосил етишириб бўлмайди.

Бу шуни англатадики биз харид килаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг анчагина қисми кимё билан туйинтирилган. Пестицидларни купчилик қисми тизимли амал қилиб ўсимликлар хужайраларига кириб боради, улар сув билан ювилиб кетмайди ва хеч кандай кулинария кайта ишловлари билан чиқиб кетмайди.

Табиий мухитга турлича тармоклар турли даражада ва йұналишда таъсир қиласди. Табиатга энг катта кулаамдаги таъсир утказувчи тармокдардан бири бу кишлок хужалиги. Биз юкорида бу соҳани атроф-мухитга таъсирини айрим жихатларини курдик. Агар бу муаммони батафсил-рек тарифлашга ўтсан айтиш мумкинки, кишлок хужалигини атроф-мухитга таъсири энг аввало бу соҳани улкан майдонларга таркалганлигидир. Одатда қишлоқ хужалиги эхтиёжлари учун катта майдонлардан фойдаланиш табиий комплексларни барча унсурларини тубдан узгартририб юбо-ради. Бундан албатта табиат бузилиши юз беради деб булмайди. Бундай булмаслиги ёҳам мумкин. Чунки кўпинча айнан қишлоқ хўжалиги ландшафтларини "мадданий" тоифага қўшишида.

Кишлоқ хужалиги иқтисодиётни мухим тармоги сифатида икки тармокни уз ичига олади ва мос холда, янын чорвачилик ва дехкончиликда икки трафик даражаси мавжуд. Ушбу икки тармок йигиндиси булган кишлоқ хужалигида самараదорликни ошириш учун бирламчи биологик маҳсулотни иккимамчисига айлантиришини яхшилаш зарур, янын ўсимлик озиқаларини чорвачилик маҳсулотларига (гушт, сут, тухум) кайта ишлаш самараదорлигини курсатувчи биоконверсия коэффициентини ошириш керак. Табиий экотизимларда энергияни бир даражадан бончаш-сига утишда 90 % га якин энергия йўк булади. Хайвонлар биомассасини 1 минг колориясини олиш учун таркибан ўсимликлар биомассасини 10 минг колориясини сарф килиш керак. 1:10 нисбат ўртачадир. Турли хайвонлар ўсимлик озиқаларини бирлигини истеъмол килишда турли

¹ Панников В.Д. Почва ,климат одобрение и урожай / В.Д.Панников,В.-Г.Минеев.-1-е изд.,перераб.И. доп.-М.:Агропромиздат, 1987.-с.215

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

микдорда маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бу курсаткич зоти ва ёши буйича фарқ киладиган бир турдаги хайвонларда ҳам парвариш килишини ҳар хил шароитларида тебраниб туради.

Кишлоқ ҳужалигини бутун бошлиқ таъсирини иккى гурухга ажратиш мумкин: дехкончилик ва ҷорҷараликни таъсири.

Дехкончилик. қишишлек; ҳужалигини табиий комплексига таъсири катта майдонларда табиий усимиликлар ҳамжамиятини йўқ; килиб уларни маданийлашган турлар билан алмаشتirилади. Каттагина узгаришларни узида хис киладиган кейинги компонент - тупроқ. Табиий шароитда тупроқ унумдорлиги шу билан доимий тикланиб туради, ундан (тупроқдан) олинган нарса унинг ^{узиға} дарахтлар барглари тикилиши оркали кайтарилади. Дехкончилик комплексларида эса тупроқ унсурларини асосий қисми хосил билан олиб чиқиб кетилади. Бу нарса бир йиллик экин-ларга күп даражада хос.

Ҷорҷаралик. Ҷорҷараликни табиий ландшафтга таъсири қатор узиға хос ҳусусиятлар билан характерланади. Биринчиси шундан иборатки, ҷорҷаралик ландшафтлари турли-туман, лекин узаро жипсий боғланган кисмлар - яйлов, углов, ферма, чикндиларни зарарсизлантириш зоналари ва шунга ухшашлардан иборат. Ҳар бир килем табиий комплексларга умумий таъсир оқимига алоҳида хисса кушади. Иккинчи ҳусусияти - дехончиликка нисбатан худудда энг кам тар-калганлик. Ҷорвани майдонларда углаватиш биринчи навбатда яйловларни яшил катламига таъ-сир курсадиди; усимиликларни биомассаси камаяди ва усимилик ҳамжамиятининг турлари тарки-бидиа ўзгариш юз беради. Ҷорвани узоқ муддат ва ҳаддан ташқари кўп ўтлатганда тупроқ зичла-нади, яйлов усти ялангчаликни қолади, бу эса буғланишини кучайтиради.

Ерлардан яйлов сифатида фойдаланиш шунингдек, тупроқдан озиқа элементларини олиб чиқиб кетиш билан ҳам боғлик. Улар ўт, ем-хашак билан бирга чиқиб кетади. Озиқа моддаларини йўкутилишини ўрнини қоплаш учун яйлов ерларига ўғит солинади. Бу иккى ёклама таъсири дехкончилик түғрисида ганирилганда айтиб утилган.

Ҷорҷараликни ландшафтга таъсирини ёмон томони - табиий сув манбаларини ҷорҷаралик фермаларининг оқава сувлари билан ифлосланшидир. Чучук сув ҳавзаларида органик мод-даларни тупланувини күп марта ортиши сув микроорганизмлар ҳамжамиятининг узгаришига, озиқа занжирини бузилишига, балиқни ҳалок булишига ва бошقا салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳаддан ташқари йирик ҷорҷаралик комплекслари ҷорҷаралик чииндиларини утилизация килишнинг мураккаб муаммосини туғдиради. Бунинг натижасида аҳамияти юқори ва яхши ўғит сифатида ишлатилиши мумкин булган гунг атроф мухитни ифлосланиши манбасига айланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Атроф – мухитни муҳофаза қилиш.Ҳакимов Н.Ҳ. Умумий таҳрири остида. – Т.:ТДИУ, 2006.-2806.
2. Бобылев С.Н. Воздействие изменение климата на сельское хозяйство и водные ресурсы России. Фонд «Защита природы», М.:2003.
3. Экология./ Абиркулов Қ. Ҳакимов Н., Ҳожиматов А., Ражабов Н.-Т.: ТДИУ, 2007, - 6.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ
ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Бўтабоев М.Т.

ТАТУ Фарғона филиали профессори, и.ф.д.

Ё.А.Раҳимов

ТАТУ Фарғона филиали ўқитувчиси

XXI АСР МЕНЕЖЕРИ: АҲЛОҚИ ВА МАДАНИЯТИ.

“Бугунги кунда ҳаётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида – ҳамма нарса бугун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади”¹

Бобомиз А.Темур Тадбиркор – менежерга алоҳида эътибор қилган: “Бир шижоаткор, мард, ақли, иш билармон ва тадбиркор киши минг-минглаб лаёқатсизлардан яхшироқдир”²

Менежер – йўлбошли, тарбиячи, назоратчи, сардор ва етакчи деган маънони билдиради. Менежер кўради, эшитади, аҳборот олади, қарор қабул қиласи ва жамоани мақсад сари етаклади. Менежер – бизнес лакомативи деган хазиломуз гаплар ҳам учраб туради.

У фирмани бошқаришда янги ғоя, янги ташаббус, янги технологияларни жорий этувчи етакчидир. Менежер фаолияти тадбиркорликка асосланган машққатли меҳнатdir. Бу фаолиятга сарфланган куч, моддий маблағ баъзан фойда эмас, зарар келтириши, фирма фойда ўрнига зарар кўриши ҳам мумкин. Менежер бундай ҳолларни олдиндан кўра олиши ва бунга тайёр туриши керак бўлса, ишни қайта бошлаш учун, ўзида куч-ғайрат, маблағ топа билиши лозим.

Менежер шахси-вижонли, халоли-пок, диенатли, меҳр-шафқатли бўлиши керак. Менежер-ликка эгри йўл, эгри кўл, эгри мақсад билан эришиб бўлмайди.

Самарали бошқарувда тажриба, кўйикма, маҳорат, билим, акл ва идрокнинг роли катта.

Менежер ўз қобилиятини, истебодини ишга солиб тинмай изланади, шу мақсадда ҳаётни одамларни турмуш тарзини, феъл-авторини ўрганади. Натижада, тўплаган билимлари, тажри-баларини бошқарувнинг умумий қонуниятларига уйтунлаштириб, ўзининг раҳбарлик усулини намоён этиди. Менежерда бошқариш қобилияти, маҳорати, шаклланган бўлса, бошқарувнинг сир-асрорларини қийналмасдан эгалла, ўз жамоаси ўтрасида обрў ва ишонч қозонади.

Бозор иқтисодиёти шароитида менежердан кенг ва чукур фикрлай олиши билан бирга уддабурон, ҳаракатчан ва шиҷоатли бўлиши талаб этилади. Менежердаги ўзига хос талабчаник, меҳрибонлик, ҳамда масъулият жамоа аъзоларида ҳам жавобгарлик, ўз қасбига садоқат ҳиссисини шаклнанишига сабаб бўлади. Фирма фаолиятида қилинган ишлар якунида нималар қилганини эмас, балки қандай қўнганини ҳам муҳрокама этилади. Баъзан турли хизмат ғоногонларида ишлаган кишилар билан сұхбатлашсангиз, турли қарашларга, баъзан ўта радикал хусусияти, гоҳида ўта либерал ҳаракетдердаги фикр-қарашларга дуч келасиз. Уларнинг фикрларини мулоҳаза қилиб, таҳлилдан ўтказсан, ҳар бирлари ўша сұхбатдош ишлаган давр хусусиятлари билан боғлиқ эканини билиш мумкин. Масалан социализм шароитида тадбиркор ва ишбильармонларни савдогарлар-чайқочви-текинхўр деб қораланган бўлса, бугун эса хурматта сазовор кишилардир. Лекин кечакечча ўзини оқлаган раҳбарлар усули бугунги кунда талабга жавоб берадими, эртаги талабагачи? Буларни узил-кесил жавоби йўқ. Чунки, раҳбарлик ва унинг хусусиятлари зиддиятли, кўп қиррали, кўп йўналиши, давр, жамият, иқтисод, мағкура, инсонлар омили, кишилар дунё қараши, тўплаган тажрибаси, шахсий стратегияси ва тактикаси турлича. Биз учун эса энг муҳими, унинг аҳлоқи ва маданиятидир.

Менежер-фаолияти ўта нозик касб. У инсонлар хулқ-авторини бошқариш усуллари билан узвий боғлиқдир. Бозорли ҳаётда, биз бир-бирларига очиқ ёки яширин, нозик ёки кўпол тарзда, жисмоний ёки аҳборот билан, чин дилдан ёки ғаразлиқ билан таъсир этадиган дунёда яшап-

¹ И.Каримов. Биз келажагимизи ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. “Ўзбекистон” 1999. 290.бет

² “Темур тузуклари”

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

миз. Бошқарув маҳорати, санъати ўз навбатида бугунги менежерларнинг ахлоқий олами билан боғлиқ бўйлиб, меҳнат жараёнида ходимлар билан ҳамкорликда ишлашга боғлиқдир. Ходимлар кўз ўнгидаги унинг сийомоси (ижобий ёки салбий) шаклланади. Маданияти менежер ўз фаолиятида бир қатор диагностика усулларини жумладан, ходимларни баҳолаш, ҳамда турли ҳарактердаги, ишичилар гурухлари билан муносабатда бўлиш, ахборот ва маълумотлар билан ишлаш, таҳлил қилиш, моделлаштириш, ишчан муносабатларни шакллантириш, сўровлар, сұхбатлар ўтказиши, ходимларнинг фикрларини тинглаш, пировард ҳолатда тўғри қарорлар қабул қилишга эришиши даркор. Менежер оддий инсон эмас балки ваколатли жавобгардир. У сұхбатлашиш, баҳлашиби санъатини моҳирона эгаллаган, бошқарув сир-асрорларини билган, инсон психологиясини, тафаккурини барча нозик жиҳатларини ўргангандай етакчидир.

Демак, замонавий менежер қўйидаги фазилатларга эга бўлиши керак:

- ишлаш ва бошқариш санъатини эгаллаши;
- бошқарувчи;
- таваккалчи;
- меҳнаткаш;
- изланувчи;
- таҳлилчи, назоратчи;

Таваккалчиллик – ўйламасдан қилинган иш эмас, балки қатъий ҳисоб - китоб натижасидир. Таваккалчиллик бу-англар, вазияти олдиндан кўра билиш. (ностандарт фикрлаш, тасодифан, кўрқмасдан ҳаракат қилиш) керак бўлганда, ходимларга шахсий маблағидан иш хақи бера олиш. Қолаверса:

– Низо ва стрессларни бошқариш (ижобий еча билиш);
– Дўйқ пўписа ва юрқитни бошқаришни билмаслик деб қараш.
– Турли қарорлар қабул қилиш ва қисқа режалар тузиш;
– Ахборот билан ишлаш, аниқ, ва ноаниклик шароитида бошқара билиш;
– Ресурсларни (вақт, моддий, номоддий) меъёрий тақсимлаш;
– Тиришқоқ, ижодкор тадбиркор бўла олиш;
– Ходимларни мотивлаштириш. (моддий ва маънавий тақдирлаш)
– Ораторлик (сўз устаси) бўлиши, ўз фикрларини қизиқарли ифодалаш;
– Меҳнатни сифат жиҳатидан бойитиш: сайд қылаётганида, овқатланётганида, сұхбатлашганида, томоша қылаётганида ва ҳ.к да ҳам ишлайди ва қарор қилидан, мен ҳамма ишларда мақсадга эришаман ва менинг ҳамма режаларим тўғри дейа олади.

Бошқарув маҳоратини эгаллаш ва ундан амалда фойдаланиш жараёни, биз ҳоҳлаймизми йўқуми, менежер ахлоқи ва маданиятига боғлиқ бўлади. Чунки менежер ахлоқи, маданияти унинг ҳатти ҳаракати, омма билан бўлган мулоқоти ва муносабатларида, мажлисларда учрашувларда, нутқларида, ўз ходимлари билан ишлаща яққол кўринади. Тарихга назар солсак, кўрамизки, ходимлар аксарият ўз раҳбар ва етакчиларига ишонч назари билан қараб келган. Масалан Ф.Тейлор, Г.Форд, Стивен Джобс, Ли Якокка, Альферд П.Слоунларнларни бутун жамоа ишониб, уларнинг оркасидан эргашганлар, ўз тақдирларини улар билан боғлаганлар. Менежерда шаклланган ахлоқ, маданият бу – раҳбарда шаклланган ички куч – кувватдир. Менежер билан ходим ўтасидаги муносабатлар оддийликка, халлоликка ўзаро ишончга асосласими керак. Бутун дунё бизнесмен менежерларига хос тадбиркорлик ахлоқи, одоби ва маданияти-инсонийликдир. Менежер одоби, ахлоқи ва маданияти қуйидагиларда намоён бўлади:

– ўз қўли остидаги ишчиларга берган вазифасини доим, ўз вақтида назорат қилиш;
– Мағрурланиб кетмаслиги, камтар бўлиши, ўзига ортиқча баҳо бермаслигига;
– Фақат ўзининг фикрини ўтказиш, тўғри дейиш эмас, ўзгалирнинг ҳам фикри билан ҳисоблашишда;
– Ишчилари тақлифларини эътибор билан тинглаш, тўғри бўлса иш фаолиятида фойдаланиш, нотўғри бўлса, хуш муомалалик билан улардан воз кечишида;
– Фирма фаолиятидаги ҳар бир ҳатто ва камчиликларни синчиклаб ўрганиш ва зарур хуносаларни ишлаб чиқишида;
– Низовий вазиятларда тўғри ечим топа олиши, молиявий йўқотишларсиз, фирмани банкротлиқдан сақлаб қолишида;
– Бошқарув йиғилишларида ёқимли ва мулойим қизиқарли сұхбат олиб боришида;

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Менежерларнинг асосий вазифаси ягона, тўғри қарорни қабул қилишдир. Бу жуда мураккаб жараён. Шунинг учун, бугунги кунда “бошқарува қарорлар қабул қилиши”, “инсон ресурсларини бошқариш”, “натижага йўналтирилган бошқарув”, “персонални бошқариш”, “инсон капиталини бошқариш” каби қўлланмалар вужудга келмоқда. Менежерлар фирма мақсадларидан келиб чиққиб, ишчилар билан муносабат вақтида, уларни маъқулаш, рафбатлантириш ва жазолаш тизими орқали корхонада ҳамкорлик ва ҳамкиҳатлик мухитини бошқаруб боради. Менежер доим аниқ режа асосида иш тутида ва унинг барча ҳаракатлари рехжада кўрсатилган масалаларни ечишга қаратилиади. Иш жараёнида ходиммининг ўзига ишонмаслиги, билган нарсаларини айтишдан кўркиши ва натижада ишлаб чиқараётган маҳсулоти сифатсиз бўлиб қолиши оддий ҳолдир. Масалан, цеҳда мастер ва ишчи билган камчиликни яни қалава ип йигирив машинаси, илларни тез-тез узид юбораётгани, иллар қуриб қолгани, намлиқ етмаслигини ўз вақтида раҳбарга айтолмаслик оқибатиди, кунлик норма бажарилмайди, натижада маҳсулот сифатсиз бўлади. Маҳсулот сифатини яхшилаш, умумий, жамоа иши, унинг сифатига раҳбардан тортиб оддий ишчи ҳам жавоб бериши керак. Текстил маҳсулотларини ишлаб чиқаришда: базама, чит, бўй, таёrlаş учун менежер сифатли пахта толасини ва ундан керакли тола ишини ишлаб чиқариб, кейин маҳсулотларни таёrlаши мумкин. Иш жараёнида менежер меҳнати маъсултияти бўлиб, товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларга жавобгардир. Бизнес имиджини кўп жиҳатлари ҳозиринг кундан менежернинг ахлоқи ва маданияти билан баҳоламоқда. Бу борада Ф.Тейлор, Г.Форд, Г.Гильберт, Г.Эмерсон, А. Файоль, Альферд П.Слоунларни бошқариш маҳоратларини таққосласақ, кўп нарса бизга аниқ бўлади. Буларнинг ҳаракатларини бир-биirlарига зид ва қарама-қарши бўлиб бишқариси усулларни турличидир. Генри Форд билан кичик Альферд П.Слоуннинг қиёсласак улар хақиқатдан ҳам улуғ ва буюк бошқарувчилар бўлган. Генри Форд таваккалти тадбиркор эди. Ҳаётида иккى марта омадсизликка учрайди. Кейинчалик автомобил модели (“Т”) яратиб машхур бўлади, дунёга танилади. У раҳбарлик қилаётган корхонада 6 – 10 мингтагача ходимлар, бир ярим мингдан ортиқ инженер – дастурчилар фаолият қилиб, йилига 2,5 млн дона автомобили ишлаб чиқардилар. Автомобилларнинг эҳтиёти қисимларини АҚШнинг турли шаҳарларida (арзон иш кучи ва хом ашё бор жойларда) ишлаб чиқардилар ва автомобиль бозорининг 56%-ни эгаллащи. Ўн-үн иккى йиллар ичида қашшоқ корхонани буюк, гигант автомобиль компаниясига айлантириши. Йиллик даромади 2,2-3,4 миллиард долларга етиб борди. Ишчиларнинг ойлик иш ҳақи 100 доллар (аввал 40-50 доллар эди), инженер – дастурчиларни эса 400-500 долларгача (авваллари 150 гача эди) етиб борди. Ўша вақт ўзчами бўйича бу жуда катта маош эди. Автомобиль модел (“Т”) позициялари бўйича баҳоси 260-400 долларгача эди, буни ҳар бир ишчи сотиб ола билар эди. Ўша вактларда кўп миллиардлаб долларда фойда кўрди. Афсуски, у ахлоқий қашшоқ, маданияти паст, ўз ҳиссиятларига берилган раҳбар эди. Г.Форд ўзини жуда-жуда севар, бирорларни фикри билан ҳисоблашмас, ходимларни арзимас баҳоналар билан исдан бўшатиб юборар эди. Ўзи учун жуда қиммат хизмат машиналари ва жуда кўркам офиси бор эди. Ойлик иш ҳақи иккى юз минг долларга борар эди. Кичик Альферд. П.Слоун жуда камтар бўйlib, уни Пьер. С.Дюпон “Дженерал моторс” компаниясига ишга олади. Чунки, ўша вақтда “Дженерал моторс” компанияси банкротлик томон юз тутиб, бу ҳолат Пьер С. Дюпонни акцияларнинг 80 фоиз эгаси сифатида қаттиқ ташвишга солган эди. Дюпон оиласи Альфердга жуда ишонган эди, у уларни ишончни оқлади. Альферд П.Слоун иш вақтида ходимлар орасида бўлар, улар билан фикрлашар эди. Илфор ишчиларга мустақил қарор қабул қилгани, янги ғояларни ўтгара ташлашганлари учун, кунлик нормаларни ортига билан бажарганлари учун мукофотлар берарди ва хизмат мөвқеени оширади. Одамлар билан ишлашин биларди, яхши ходимларни танлай оларди, уларга ўз ҳамкоридек қаради. 1927 йил Альферд ўз колективи билан ҳамкорлиқда мутлок янги автомобиль (“модел А”) яратдилар. Бу модел Г.Форд яратган “Модел Т” дан кўп жиҳатдан устун бўлиб, миллионлаб кишиларни қалбига кириб борди. От-ароба ҳам жуда кенг тарқалган бўлиб унинг баҳоси енгил автомобиль (“модель А”) дан қиммат эди. Келгуси йили “Дженерал моторс” маҳсулоти (“модел А”) автомобиллар бозорини 43,5 % (Г.Форд, модел Т – 10%) эгаллади. Г. Форд қайсанлиги эвазига ҳар йили катта маблағлар йўқотиб, қашшоқликка томон йўл оларди. Бугунги кун амалиётида, менежер фаолиятига бериладиган баҳода унинг ишбайлармонлиқ қобилиятга қарагандиа инсонийлик фазилатига кучли эътибор берилмоқда. Россияяда бўлиб ўтган тадбиркорлар I-съездидা, съезд қатнашчиларининг (90%) асосий қисми, бошқарув жараёнидаги менежерларни инсон муносабатларини мөъерий нормаларини бузганлиқда айбладилар. Сўзга чиқанларнинг кўпчилиги: иш жараёнида ходим-

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

ларга қўпол муносабатда бўлиш; хафтанинг ҳар 5 иш кунида, иш 11 соатлаб давом этиши; ишчи-ларнинг эҳтиёжига эътиборсизлик; уларнинг фикрлари билан ҳисоблашмаслик каби холатларни танқид қилишди.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий бизнеснинг мақсади-мехнаткашларнинг тўхтовсиз ўсib бораётган турли хил эҳтиёжларини тўла тўкис қондириш ва ҳаётини гўзал, мустаҳкам бўлишини таъминлашдир.

Бу борада мамлакатимиз худудларида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Фарғона вилояти иқтисодиётida жами банд бўйлганларнинг 81 фоизи кичик бизнес соҳасига тўгри келиб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 120,0 фоизга ўсди яъни (2569,7 милиард сумни, вилоят саноат ишлаб чиқаришнинг 39,2 фоизи, қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотининг 96,8 фоизи) ташкил қилиб, 2015 йил январь – декабрда ишлаб чиқарилган ялпи худудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) номинал қиймати 11278,9 млрд сўмда баҳоланди. (2014 йилга нисбатан 8 % кўп) 2015 йил январ-декабрда ялпи худудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улуси 63,2 фоизни(2014 йил январ-декабрда 62,1 фоиз) ташкил қиласди. Вилоятнинг ташкил савдо айланмаси 2015 йил январ – декабрда 1267,0 млн АҚШ долларни, шу жумладан, экспорт 465,5 млн АҚШ долларни, импорт 801,4 млн АҚШ ташкил қилди.

Корхоналарда маҳаллий дастур асосида "GM –Uzbekistan" ташкилотида ишлаб чиқарилаётган янги автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, қандолат маҳсулотлари, кир ювиш воситалари, иситиш батареялари, болалар юмшоқ ўйинчоқлари, полизэфир тола, краситель, кабель, сэндвич-панел, электр чойнаклари, кимёвий дори сепииш апаратлари ишлаб чиқарилди.

Шулардан Фарғона шаҳридаги "Белла пласт" МЧЖда 350 минг кв.м сендвич панел, "ЭКО ПЛАСТЕКС" МЧЖда 12 дона газ ташиш ва тарқатишига мўлжалланган ярим тиркамали цистерналар, Кўқон шаҳридаги "Кристалл инвест пласт" МЧЖда 8,7 минг болалар юмшоқ ўйинчоқлари, "Global Asia Standart" МЧЖда 155 тонна полиэтилен химоя плёнкаси каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Фарғона вилоятидаги корхоналар томонидан 2015 йилда 222,0млн долларлик товар ва хизматлар экспорт қилинди. (2014 йилга нисбатан 56,0 млн кўпдир) Булар енгил саноат моллари (калава ип, трикотаж мато, медицина ватаси ва бошқалар) 168,8 млн доллар.

Хизматлар (Банк, қурилиш, меҳмонхона, транспорт ва бошқа хизматлар 52,2 млн доллар) вилоятда фаолият қилаётган менежерларни асосий қисми Германия, Англия ва Жанубий Корея-ларда ўқиб, ишлаб келган бошқарувчи раҳбарлардир.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ
ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Хушвақтова Ҳ.О.
ЎзМУ иқтисодиёт факультети талабаси
Илмий раҳбар:
Халимраев А.А.
ЎзМУ иқтисодиёт факультети доценти

ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ БАНДЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, истиқболи, аҳолининг турмуш даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакатда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик(КБХТ)нинг ривожланиш даражасига боғлиқ. КБХТ учун бозор талабига тез мослашиб, фаолият кўрсататёган худудининг табиий-иктисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, юқори сифатли, рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини муттасил ошириш каби ижобий жиҳатлар хос.

Бугунги кунда Ўзбекистонда КБХТ учун яратилган шарт-шароит, имтиёз ва преференциялар унинг жадал ривожланишини таъминламоқда.

КБХТни ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти ва роли кескин ортиб бормоқда. Унинг миқёси кенгайиб, ижтимоий муаммолар ўз ечимини топиб, фуқаролар тобора кўпроқ тадбиркорлик соҳасига фаол жалб қилинмоқда. КБХТнинг бандлик муаммоларини ҳал этишдаги ўрни ҳам тобора ошиб бормоқда.

Статистик маълумотлар кўра 2000 йилда мамлакатимида КБХТсоҳасида ЯИМнинг 31 фоизи¹ яратилган ва банд аҳолининг 49,6 фоизи² меҳнат қилган бўлса, 2016 йилга келиб, ушбу кўрсаткичлар мос равишда 56,5 ва 78 фоизни ташкил этди³.

2015 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 221,1 мингтани ташкил этди. Улар иқтисодиёт тармоқлари бўйича кўйидагича тақсимланган: савдо ва умумий овқатланиш, саноат, курилиш, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига барча рўйхатдан ўтган хўжалик субъектларининг мос равишда 34,4; 21,2; 10,7; 10,2 ва 9,1 фоизи тўғри келади⁴.

Статистик маълумотлардан аҳоли тадбиркорлик фаолиятида ушбу соҳаларнинг роли ва ўрни салмоқли эканлиги кўриниб турибди. Фикримизча, яқин истиқболда ҳам аҳоли бандлигини таъминлашда ушбу соҳаларнинг роли катта бўлади.

¹ Алманах. Узбекистан. – Т.: Центр экономических исследований, 2013. -С.151

² Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. –Т.: Узбекистан, 2011. С. 63

³Ўзбекистон Республикаси Бosh вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги нутки // <http://uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-bosh-vaziri-shavkat-miromonovich-mirz-08-09-2016>

⁴ Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси нашри,2015.-104 6.

ИЛМИЙ МАҶОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

Рўйхатдан ўтган хўжалик субектларининг сони транспорт ва алоқа; соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот; таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш; маишӣ хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида камлиги кўринади. Уларга рўйхатдан ўтган хўжалик субектларининг мос равишида 4,8; 3,7; 2,8; 1,7 ва 1,4 фоизи тўғри келади¹. Демак, аҳолининг оқилона бандлигини таъминлашда ушбу соҳаларнинг ролини ошириш масалаларига катта эътибор бериш талаб этилади.

Статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг сони тадрижий равишида ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. 2015 йилда рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 88,6 фоизи фаолият кўрсатди. 2014-2015 йиллар мобайнида саноатда фаолият кўрсатаётган корхоналар салмоғи 0,9 фоизга ортган. Худди шунингдек, курилиш; транспорт ва алоқа; таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатишда мос равишида 0,4; 0,2; 0,1 фоизга ортган. Аксинча, савдо ва умумий овқатланиш; бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари; қишлоқ; ва ўрмон хўжалиги; маишӣ хизматнинг ноишлаб чиқариш тармоқлари; соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот соҳаларида мос равишида 0,5; 0,5; 0,4; 0,1; 0,1 фоизга камайган.²

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, КБХТ янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор даромад олишнинг муҳим омилга айланмоқда.

2016 «...йил охирига қадар бир миллиондан зиёд янги иш ўринларини ташкил этишимиз зарур. Касб-хунар коллежларининг 480 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш масаласи алоҳида назоратни талаб қиласди»³. «... мамлакатимиз худудларида ҳам рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш..., ана шу мақсадда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектлари, шунингдек, фермер хўжаликларининг экспортда иштирок этиши ... аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва моддий фаровонлигини оширишнинг асосий локомотиви бўлиши керак»⁴.

Республикада янги ишчи ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурлар самарали амала оширилмоқда. Масалан, 2014 йилда қарийб 970 минг кишининг иш билан бандлиги таъминланди. Иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилид. Кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 минг, ёки барча иш ўринларининг 99,5 фоизи, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд ёки 21,6 фоиз ишчи ўрни ташкил этилди⁵.

Бугунги кунда хусусий секторда маблағлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу соҳада юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучлидир. Ишлаб чиқаришнинг имкон қадар кўпроқ даромад олиш каби пировард молиявий натижалари ҳам сезиларли даражада юқоридир.

¹ Ўша жойда- 104 6.

² Ўша жойда - 105 6.

³ Ўзбекистон Республикаси Бosh вазири Шавкат Мирзиеевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи // <http://aza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-bosh-vaziri-shavkat-mirmonovich-mirz-08-09-2016>

⁴ Каримов И.А. 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.-Т.:«Ўзбекистон»,2014.31-6.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирилиги маълумотлари.

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ
ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

1-жадвал. Банцлилкка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимомий тухофаза қилиши марказларидаги рўйхатта олинган бўш иш ўринларининг ўзгариши, бирлик

		2005 йил		2010 йил		2014 йил	
Худудлар	Жами бўшиш ўринлари сони	Битта бўшиш ўринига тўғри келадиган ишсизлар сони	Жами бўшиш ўринлари сони	Битта бўшиш ўринига тўғри келадиган ишсизлар сони	Жами бўшиш ўринлари сони	Битта бўшиш ўринига тўғри келадиган ишсизлар сони	Битта бўшиш ўринига тўғри келадиган ишсизлар сони
1	2	3	4	5	6	7	11,5
Ўзбекистон Республикаси	26529	12,1	70408	8,9	59409	1202	29,7
Кораллогистон Республикаси	529	91,6	2058	21,6			
Вилоятлар:							
Андижон	1008	31,7	3455	18,8	3377		21,8
Буҳоро	1387	15,8	5384	7,4	4937		9,1
Жиззах	490	15,5	1095	20,1	1073		22,9
Кашқадарё	764	18,9	4452	12,7	2651		24,1
Навоий	1019	15,8	3910	5,1	3174		7,2
Наманганд	1118	21,3	4284	11,3	2779		18,8
Самарқанд	1642	18,5	4755	15,7	3201		25,8
Сурхондарё	1673	14,4	3272	14,1	2939		17,6
Сириарё	726	6,1	2377	6,1	2142		7,9
Тошкент	2406	8,6	11705	4,0	10501		4,9
Фарғона	2388	15,9	5811	13,2	4509		18,3
Хоразм	257	61,5	2751	12,2	2878		13,6
Тошкент шаҳри	11122	2,0	15099	2,0	14046		3,1

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун давлат томонидан яратиб бериләёт-ган имкониятлардан самарали фойдаланишда мамлакатнинг нисбатан юқори иқтисодий ўсиш тенденциясига эга бўлган айрим саноатлашган вилоятлари ижобий натижаларга эришмоқда. Тадқиқотларимиз Бухоро, Хоразм, Самарқанд вилоятларида соҳанинг ЯҲМидаги улуши 66, 74, 77 фоизга этгани, иш билан банд бўлган аҳолининг 78,8 фоизи ёки 648,5 минг киши, 82,1 фоизи ёки 557,2 мингга яқин киши, 83,7 фоизи ёки 1174,3 мингдан зиёд киши айнан шу соҳада меҳнат қилаётганини кўрсатмоқда¹.

Бухоро вилоятида 2014 йилда 74 мингдан зиёд иш ўрни яратилган эди. Кейинги йилларда эса коллеж битирувчиларидан 23 минг 600 нафарини замонавий иш ўринлари билан таъминлаш ва уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаoliyatiни рафбатлантириш учун имкониятлар кўламини кенгайтириш кўзда тутилган².

Бухоро вилоятида кейинги беш йилда зарар кўриб ва самарасиз ишләётган 73 та давлат корхонаси хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтказилиши иқтисодий жиҳатдан юқори самара бермоқда. Шунинг учун ҳам келгуси беш йилда яна 72 та шундай корхонани биржа савдолари орқали “нол” қийматида инвесторларга сотиб, хусусий ёки акциядорлик жамиятлари шаклига ўтказиш мўлжалланмоқда³.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида 9386 та, Хоразм вилоятида 10393 та, Самарқанд вилоятида эса 12280 та кичик бизнес субъекти, яъни кичик корхона ва микроfirmalар фаoliyati кўрсатмоқда⁴.

Бу каби имтиёз ва преференциялар республиканинг барча ҳудудларида, хусусан, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида ҳам юқори натижаларга эришди. Тадқиқотларимиз Тошкент вилоятида келгуси икки йилда 254 та корхонада давлат улуши камайтирилиб, хусусий тадбиркорлик субъекtlariga берилиши мўлжалланганини кўрсатмоқда⁵.

Тадбиркорларга яратиб бериләётган имтиёз ва кенг имкониятлар натижасида Тошкент шаҳри аҳолисига кўрсатиләётган хизмат турлари кенгаймоқда. Айниқса, мобил алоқа, юқори тезлиқда ишлайдиган интернет, кабелии телеалоқа, электрон шаклдаги банк хизматлари каби юқори технологияларга асосланган замонавий хизмат турлари тобора оммалашиб бормоқда.

Нафақат Тошкент шаҳрида, балки бутун республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни дунёнинг ривожланган мамлакатлари биринчи навбатда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда янада ривожланиш масаласи доимий эътибор марказида турибди.

Статистик маълумотлар янги яратилаётган иш ўринлари таркибининг такомиллашиб бораётганини кўрсатмоқда. 2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, янги иш ўринларини яратишида кичик корхонлар ва микроfirmalар, касаначилик соҳаси ва янги обьектлар курилишини ўрни салмоқлидир. Уларга янги иш ўринларининг мос равища 51,7; 11,3 ва 10,1 фоизи тўғри келади. Яқин келажақда ҳам уларнинг аҳамияти сақланиб қолади.

Республикада амалга оширилаётган самарали иқтисодий сиёсат мамлакатдаги ишбайлар-монлик мухитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларнинг натижаси ҳисобланади. Бу халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ҳам ўзининг ижобий ифодасини топмоқда.

¹ Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. -Т.-2015,50-бет

² Бухоро вилояти Статистика бошқармаси маълумотлардан фойдаланилди.

³ Каримов И.А. Она юртимиз баҳт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-енг олий саодатдир.-Т.:“Ўзбекистон”, 2015.143-145-б.

⁴ Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. -Т.-2015,59-бет

⁵ Каримов И.А. Она юртимиз баҳт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-енг олий саодатдир.-Т.:“Ўзбекистон”, 2015.163.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

2014 йилнинг октябр ойида Жаҳон Банки “Бизнес юритиш” рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 погонага кўтарилиб, 87 ўринни эгаллади.¹

2-жадвал. Янги ташкил қилинган иш ўринлари таркиби (%)²

Йиллар	2012	2013	2014
Жами	100,0	100,0	100,0
Янги обектлар ва кенгайиш	9,2	10,5	10,1
Кичик корхоналар ва микрофирмалар	50,8	50,5	51,7
Тадбиркорлар (хусусий шахс бўлмаган)	12,1	12,0	11,3
Касаначилик	22,5	22,5	22,5
Ижтимоий инфратузилма	3,5	2,5	2,7
Бозор инфратузилмаси	1,9	2,0	1,7

Демак, “янги бизнесни кўллаб-куватлаш” деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42 ўринни, тузилган шартномалар ихкосини таъминлаш бўйича 32 ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан кўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75 ўринни эгаллаш турибди. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит бериш” деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154 ўриндан 42 ўринга кўтарилид ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.³

Тадқиқотларимиз, Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик мухитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олганини кўрсатмоқда. Натижада ЯИМ да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга этгани ёки 1,8 баробар ошгани ва ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотининг учдан бир қисми, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 98 фоиз ишлаб чиқарилётгани мамлакатда бу соҳанинг аҳамиятини яқзол кўрсатади.⁴

Хусусан, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг даҳлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни барта-раф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик мухитини яхшилаш мақсадида:

• Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тудбон қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвакт олди оли-нишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга

¹Каримов И.А. Мамлакатни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи.16.01.2016.

² Экономика Ўзбекистана. Информационно-аналитически бюллетень за 2014 г. –Т.: Центр экономических исследований, 2015.-С. 17

³Каримов И.А. Мамлакатни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи.16.01.2016.

⁴Ўша жойда.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

Йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди.

- тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди.

Меҳнатга лаёқатли ахолини доимий ва барқарор ишчи ўринлари билан таъминлаш зарур ҳисобланади. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш талаб этилади. Чунки, айнан ушбу соҳа ахолининг бандлик даражасини ва у орқали оиласлар фаронлигини ошириш имконини беради. Ахоли бандлигини оширишда жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг худудий сиёсатини шакллантиришга муҳим эътибор қаратиш лозим.

Буни амалга оширишнинг устувор йўналишлари эса қўйидагилардан иборатдир¹:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун иқтисодий қўллаб-кувватлаш тизимини янада ривожлантириш;
- жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-кувватлаш;
- ахолининг маълумотлилик даражасини янада ошириш;
- бозор инфраструктурасини такомиллаштириш;
- мавжуд норасмий тўсиқларни чеклаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мақсадли-худудий дастурлар тузиш, уни амалга ошириш ва бошқалар.

Фикримизча, янги иш ўринларини яратишда қўйидаги соҳаларнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувоғиқ, деб ўйлайман:

- саноат корхоналари билан кооперация асосида касаначиликни ривожлантириш;
- ҳалқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, оиласлар тадбиркорликни рафтатлантириш;
- пудрат шартномаси асосидаги ўй меҳнатини рафтатлантириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- қишлоқда ўй-жой куриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратиш ва мамлакатимиз ахолисинининг оқилона бандлигини таъминлаш учун қўйидаги мақсадларга эришиш лозим:

• худудда кучли ижтимоий муҳофазалашга қаратилган оқилона меҳнат бозорини шакллантириш ва банд бўлмаган ахолини иш билан таъминловчи ҳамда ишчи кучи бўлган талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий бандлик хизмати ташкилотлари тузишина такомиллаштириш;

- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаoliyati тармоқларида янги иш жойларини ва меҳнатга лаёқатли ёшлар, кўп болали оналар, нафақаҳур ва ногиронлар учун эса кафолатлантирилган меҳнат зоналарини ташкил этиш;
- жамоа, ижара, ҳиссадорлик, хусусий мулкчилик шакллари ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш;
- худудда қишлоқ хўжалигидан озод этилган ходимларни иш билан таъмин этувчи саноат ва ижтимоий инфратузилма корхоналарини вужудга келтириш;
- деҳқон хўжаликларига сервис хизматларини кўрсатиш бўйича кичик корхоналарни ташкил қилиш ва бошқалар.

¹ Egamberdiyeva G.R.Aholi bandligini oshirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ahamiyati //O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o'rni va ahamiyati, Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. 23.02.2011, 254- b.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. 2014-йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом этириш йили бўлади.-Т.:”Ўзбекистон”,2014.31-6.
2. Каримов И.А.Она юртимиз баҳт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-енг олий саодатдир.-Т.:”Ўзбекистон”, 2015.143-145-6.
3. Каримов И.А. Мамлакатни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи.16.01.2016.
4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи // <http://uz.aуз/оз/politics/zbekiston-respublikasi-bosh-vaziri-shavkat-mirmonovich-mirz-08-09-2016>
5. Egamberdiyeva G.R Aholi bandligini oshirishda kichik biznes va xususiy tadbirdorlikning ahamiyati//O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotida kichik biznes va xususiy tadbirdorlikning o'rni va ahamiyati, Respublika ilmiy-amaliy konferensiysi materiallari. 23.02.2011, 254- b.
6. Mahmudov Sh.X., Temirov O.T Sirdaryo viloyatida kichik biznes va xususiy tadbirdorlik sohasida yangi ish o'rirlarini yaratishning asosiyo yo'nalishlari// O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotida kichik biznes va xususiy tadbirdorlikning o'rni va ahamiyati,Respublika ilmiy-amaliy konferensiysi materiallari.23.02.2011, 427-428- b.
7. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. –Т.: Узбекистан, 2011. С. 63
8. Альманах. Узбекистан. – Т.: Центр экономических исследований, 2013. –С.151
9. Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень за 2014 г. –Т.: Центр экономических исследований, 2015.-С. 17
10. Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси нашри,2015.-104 б.
11. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси. -Т.-2015,50-бет
12. Бухоро вилояти Статистика Бош бошқармаси маълумотлари.

Райханов У.А.

ЎзМУ иқтисодиёт факультети катта ўқитувчиси

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МАНЗИЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙӮНАЛИШЛАРИ

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бозор иқтисодиётига ўтиш ўзбек моделининг бешта тамойилларидан биридир. Бундай ёндошув Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг манзиллиги таъминланишини: а) ижтимоий ҳимоя дастурини рўёбга чиқаришда давлатнинг ҳал қилувчи ролини; б) аҳоли гурухларини (пенсионерлар, болалар, кам таъминланган ва кўп болали оиласлар, имконияти чекланган одамлар, ишсизлар) кенг кўламда қамраб олишини; в) кўрсатилаётган ёрдамнинг хилма-хил шакллари мавжудлигини белгилаб берди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий сиёсатнинг манзиллигини ошириш мақсадида жойларда «Маҳалла» жамғармалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари, яъни маҳалла фуқаролар йигинлари, ижтимоий таъминот бўйлимлари иш олиб бормоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий таъминот мақсадли маблағларнинг манзиллигини таъминлаш мақсадида жойлардаги тегишли ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органлари орқали, ижтимоий таъминот бўйлимлари орқали етказилади.

Ўзбекистонда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси изчил амалга оширилар экан, бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллага, яъни ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида ўрин берилган.


Маҳалла – ўзини ўзи бошқариш тизимининг халқимизга хос ноёб тизимиdir. Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек «таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси»га айланди.

Ана шу мақсадардан келиб чиқиб Ўзбекистонда 1993 йил 2 сентябрда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган бўлса 2013 йил 22 апрелда мазкур қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти таркиби органларига кирмаслиги кўрсатилган. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда ижтимоий сиёсатнинг манзиллигини ошириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги таҳрирдаги Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини ижтимоий қўллаб-куватлаш борасидаги вазифалари янада чуқурлаштирилиб, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргалиқда ижтимоий қўллаб-куватлашга муҳтоҷ кам таъминланган оиласлар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаш, фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиши ҳақидаги нормалар киритилди.

Маҳалла институтининг тикланиши ва ривожлантирилиши миллий ва умуминсоний қадриятлар – дўстона кўшничилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтоҷ одамларга ғамхўрлик қилиш, ёшларни ватанпарварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ва жавобгарлигини теран англаш руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилмоқда. (1-чизма).

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



1-чизма. Қишлоқ, овул, шаҳар маҳалласи фуқаролари йигини ташкилий тузилмаси¹

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг 9773 та ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда². Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатда амалга ошираётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда фаол иштирок этади. Авваллари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатига кирган 30 тадан ортиқ вазифа бугун маҳаллалар томонидан бажарилмоқда. Бу вазифаларга, жумладан, қўйидагилар киради:

- ўз худудларини комплекс ривожлантириш, ободонлаштириш ва санитария аҳволини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлаш;
- қонунлар, бошقا норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, шунингдек, ўз қарорлари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича мунтазам ҳисоботларини эшиштиш;
- худудларида жойлашган корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида ҳисоботларини эшиштиш;
- кам таъминланган оиласарга уларнинг уйлари ва квартиralарини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- ўз худуди ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини иҳтиёрийлик асосида жамлаш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш;
- ўз худудида яшайдиган фуқароларнинг иш билан бандлигига кўмаклашиш, жумладан, оиласий бизнес ва қасаначиликни ташкил қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиш;
- тўйлар ва бошقا маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар бериш;
- ҳашарлар ташкил этиш ва ҳоказолар.

¹ Абдураҳмонов Қ.Х. Инсон тараққиёти. Дарслик. –Т.: Иқтисодиёт, 2013. 351-6.

² http://www.vto.uz/uz/info/21-siesat/129-ma_alla_ravna_ining_u_u_iy_asosi_takomillashadi.html

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

Мамлакатмизда ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллигини оширишда «Маҳалла» ҳайрия жамоат фондининг ўрни ва аҳамияти тобора ортмоқда. Ҳозирги вақтда жамоат фонди таркибида 14 та худудий бўлим, 196 та туман ва шаҳар бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда¹. Улар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан биргалиқда бозор иқтисодиёти шароитларида маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ривожлантиришга салмоқли ҳиссаларини кўшмоқда. «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди ташаббуси билан умумхалқ ҳашарлари ўтказилмоқда, маҳаллаларни ободонлаштириш, фуқаролар йигинлари марказларини куриш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. У фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига катта амалий ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, 2015 йилда «Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастури доирасида 2246,5 млрд сўм маблағлар йўналтирилади².

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов таклифи билан 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши мамлакатмизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг манзиллигини янада кучайтиришни талаб қилмоқда. Ана шу мақсадларда 2016 йилда «Соғлом она ва бола йили» давлат дастури доирасида 2246,5 млрд сўм маблағлар йўналтирилади (1-жадвал).

1-жадвал. 2016 йилда «Соғлом она ва бола йили» давлат дастурини амалга оширишга ҳаражатлар³

Молиялаштириш манбалари	Харажатлар	
	Млрд. сўм	Млн. доллар
Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	4281,0	3,0
Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари	1062,8	3,0
Тижорат банклари кредитлари	1911,4	-
Халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар маблағлари ва грантлар	228,1	188
Жами	7483,3	194,0

Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишни марказлизлаштириш тажрибаси Ўзбекистон учун хосдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оиласларни ижтимоий кўллаб-кувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 437-сон қарорига асосан вояга етмаган (16 ёшгача болалари бўлган, шунингдек, академик лицейларда ва қасб-хунар колледжларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган) оиласларга нафака ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади ва тўланади (3-жадвал).

¹ <http://www.mahallafond.uz/>

² <http://uz.aуз/uz/society/mahalla-mas-uliyat1>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом она ва бола йили» давлат дастури тўғрисида 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сон Қарори.

3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида пенсисонер ва ижтимоий нафака олувчилик сони, (йил очирита минг киши)¹

Кўрататчилик	1991	1995	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	+, -	%	Йиллар
												2014 йилда 1991 йилга нисбатан ўзгариши
Жами пенсионер ва нафака олувчилик	2499,0	2773,1	3087,0	3229,5	3265,8	3160,9	3071,3	3090,9	3119,5	620,5	124,8	
Шу жумладан ижтимоий нафака олувчилик	142,6	193,3	191,4	242,1	232,6	223,7	225,3	234,7	244	101,4	171,1	
Ижтимоий нафака олувчилик улуси, %	5,7	7,0	6,2	7,5	7,1	7,1	7,3	7,6	7,8	-	-	


¹ Ўзбекистонда ижтимоий ривожланыш ва турмуш дарражаси. Статистик тўпланиш. –Т., 2014. 59-б.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

1991-2014 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида жами пенсионер ва нафақа олувчилар сони 620,5 миннага күпайғани ҳолда улар таркибида ижтимоий нафақа олувчилар сони эса 124,8 миннага ошган. Жами пенсионер ва нафақа олувчилар таркибида ижтимоий нафақа олувчилар улуши эса 2,1 %га күпайған. Бу мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилганлиги ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими манзилли тарзда олиб борилғанлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда ишламаётган оналарни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам катта әтибор берилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-кувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амала ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 33-сон қарорининг қабул қилинганлиги бунинг яққол исботидир. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинланади ва тўланади.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ қатламини қўллаб-кувватлаш мақсадида ижтимоий нафақалар миқдори мунтазам равишда оширилиб борилмоқда (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида тайинланган ўртача ойлик пенсия миқдори, минг сўм¹

1995-2014 йилларда республикамизда ўртача ойлик пенсия миқдори 797,5 сўмдан, 404,3 минг сўмгача миқдорда оширилди. Шунингдек, 2015 йилда иқтисодиётимизни юкори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос юратди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди².

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага энг муҳтоҳ қатламларидан бири – бу кам таъминланган оиласлардир. Республикада кам таъминланган оиласларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-хукуқий хужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оиласларни ижтимоий ҳимоя қилишини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 434-сонли қарорида кам даромадли оиласларга ҳар ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юлатилган. Ҳар ойлик моддий ёрдам оиласга 3 ой муддатга

¹ Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплами. –Т., 2014. 70-6.

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзғарышларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2016. 22-6.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

тайинланади ва энг кам иш ҳақининг ўша вактда амалда бўлган 1,5 дан 3 мартағача миқдорида белгиланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолининг айrim гурухларига (ногиронлар, ёлғиз пенсионерлар, пенсия тайёрлаш учун зарур стажга эга бўлмаган ёлғиз қари фуқаролар, етим болалар, кам таъминланган оиласалардаги болалар ва бошқалар) қиши кийим-кечак, ўкую куроллари белугул тарқатилади, ўзгалар парваришга муҳтож бўлган ёлғиз қари фуқаролар патронажи амалга оширилишига ёрдам кўрсатилади, муҳтож фуқароларнинг турар жой коммунал ва бошқа жаҳожатларини қоплаш бўйича чоралар кўрилади.

Маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеидан 2011 йилда «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқот натижалари ҳам яқол далолат бериб турибди. Маълум бўлишича, фуқаролар маҳаллаларга ўз шахсий муаммоларини ҳал этиш (сўровда иштирок этгандарнинг 51,0 %), ижтимоий ёрдам сўраб (40,0 %), ўз оиласи, маҳалласидаги баҳсли масалаларни ҳал этиш (13,4 %), тури тадбирларни ташкил этишида ёрдам кўрсатиш (12,7 %) тўғрисида мурожат қилишади. Энг эътиборлиси, бу мурожатларнинг аксарият қисми ижобий ечимини топмоқда. Социологик тадқиқотда иштирок этгандарнинг ярмидан кўпроғи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишини ижобий баҳоладилар. Фуқароларнинг аксарият кўпчилиги (90,9 %), маҳалла ўзларининг ва оиласаларининг ҳәтида жуда мухим роль ўйнашини кўрсатдилар¹.

Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолитининг ташкилий асосларини янада тақомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъмин-лаш алоҳида долзарб аҳамият касб эттаётганини кўрсатилган.

Бу вазифани ҳал қилиш учун «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига тегишил ўзгартиш ва кўшимчалар киритилмода. Бу маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий кўллаб-кувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оиласий бизнеспи ривожлентириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидағи вазифаларини янада кенгайтириш мақсадларига қаратилган.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг манзиллигини янада кучайтириш, маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳукуқий механизмини яратишига қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Конунни қабул қилиш ҳам мўлжалланган².

¹ http://ijtimoiy-fikr.uz/?page_id=11

² <http://parliament.gov.uz/uz/events/fractions/15539>

Раҳмонов Р.Н.

ЎзМУ Иқтисодиёт факультети "Минтақавий иқтисодиёт" кафедраси мудири, и.ф.н., доцент в.б.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНКЛАРНИНГ ЎРНИ

Бозор иқтисодиётига ўтиши туфайли жамиятда янги молиявий сиёсат ишлаб чиқилди ва хукумат томонидан реал хаётда амалга оширилмоқда. Жамиятдаги хар бир иқтисодий фаолиятни бошланиши давлатимизнинг тижора банклари яқиндан туриб молиявий ёрдами туфайли тадбиркорларимиз ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"¹ ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни¹ "Мулкчилик ҳақида"ги қонунни рўйба чиқариш учун шарт-шароитни таъминлади. 1993 йил 7 майда "Мулкчилик тўғрисидаги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"²ги қонунда мустахкамланг қўйилган қонунга мувофик фақат жисмоний шахсларгина эмас, балки нодавлат юридик шахслар ҳам мулк хукуқининг субъектлари деб эътироф этилади.

Президент фармонларининг қабул қилиниши иқтисодий ислоҳатлар ва тузилмавий ўзгаришларни босқичма-босқич тамойилига тўла мос келади, хусусийлаштириш жараёнларини янада чукурлаштириш, барқарор ўсиш суръатларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субтеклари даромадлари кўлпайшини таъминлаш имконини беради.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини асосий фаолияти банклар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар олиб бораётган фаолиятнома ашени сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларга хақ тўлаш, иш хақи билан ишловчиларни таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирмалар, юридик шахслар билан бўладиган иқтисодий муносабатлар яъни олинган фойдадан, даромаддан солик тўлаш, транспорт, коммунал хизматлар учун тўловларнинг барча турлари, ўз навбатида олинадиган кредитлар ҳам бошқа ҳисоб-китиблар ҳам банклар оркали амалга ошади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз мустакилликка эришгунча банк ва банклар билан бўладиган турли иқтисодий муносабатлар унчалик ошкора этилмас эди. Жаҳон хўжалигини мухим хўжалик юритиш қисми бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барча фаолияти банклар билан боғланганлиги бугунги кунда хаммага маълум бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда, масалан, АҚШда банк тизимини фаолияти нихоятда ривожланган бўлиб, тадбиркорларни актив иқтисодий фаолият кўрсатишида банклар барча мулк шаклидаги корхоналарга комплекс равишда хизмат кўрсатади. Умуман банке операциялари пассив ва актив операциялардан иборат бўлиб, пассив операциялар пул маблағларини маълум бирор йуналишга сафарбар этишига қаратилган. Банклар пассив операциялар орқали жамғармаларни ва вақтинчалик буш турган маблағларни ишлаб-чиқаришга сафарбар этиб фойда олади. Актив операциялар турли характердаги кредитларни бериш операциялари билан bogлиқ бўлиб, қўйидаги элементлари бўйича туркумланади:

1. Муддатлар бўйича кредитлар 1 йиллик қисқа муддатли ва 1 йилдан ошганда узоқ муддатларга мўлжалланган бўлиши;

2. Кредитларни хажми бўйича кичик, ўрта, юрик миқдорда хар бир мижозга индивидуал ва молиявий имкониятларини ҳисобга олган холда амалга оширилади;

¹Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида" ги 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган қонун.

ИҚТІСОДИЁТНИҢ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТІСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

3. Айрим турлари бүйича махсус кафолатни танлаб танлаб құлмайдын, гаров эвазига берилмайдын кредитлар;

4. Кредиторларни турлари бүйича яғни давлат, тијорат, хусусий ва бошқа турлари бүйича бериш;

5. Заёмни турлари бүйича юридик шахслар ва хакозоларга бериш;

6. Вақтингчалик фойдаланыш учун инвестиция, истеъмол учун, қарзларни тұлаш асосан экспортта импорт операцияларини бажарып учун берилмайдын кредитлар.

Хозирги бозор иқтисодиёты шароитида мұлк әгалигининг кичик ва хусусий тадбиркорлық шакли корхоналары үз фаолиятида турли банклар билан мұомалада бўладилар. Бу жараён аввало олдингиларидан фарқ қылган холда анча мураккаб ҳисобланади, чунки олдинги жараёнлар асосан корхоналар орқали банд үз фаолиятини олиб борганилги билан характерланади. Тадбиркорлик фаолияти шаклланиши туфайли банклар хусусий мұлк әгалари ва кичик корхоналар фаолияти билан боғлиқ операцияларни бажарышига үз имкониятларини сафарбар этиб борадилар.

Турли мулкчилик шароитида республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-куватлаш тўғрисида 2005 йил 14 февралдаги Вазирлар мажкамасининг № 55 қарорида¹ Ўзбекистон худудидаги барча тадбиркор банкларни кичик ва хусусий тадбиркорларга ҳисоб счётиларини 3 кун ичида уларни аризалари ва хокимиятда руйхатга олинганилклари тўғрисидағи гувохномалари асосида бошқа кераксиз хужжатлар талаб құлмай очишлари тўғрисида кўрсатма берилган. Бу қарорлар туфайли республикада минглаб кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барпо этилишига имконият яратилиб, бу соҳадаги корхоналар сони кундан кунга кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга кичик ва хусусий тадбиркорлар хорижлик мұлк әгалари, тадбиркорлар билан хамкорликда фаолият олиб борадиган булса, давлат валюта операциялари олиб боришига рұхсат берди.

Республика банклари билан тадбиркорлар ўртасида бўладиган шартномалар, товарлар савдоси, хизматлар бүйича бўладиган тўловларни эркин конвертациялаштирилган валютада амалга ошириш мумкин.

Тадбиркорларни банклар билан бўладиган операцияларида турли эркинликлар бериб кўйилганилги шунда намоён бўлмоқдаки, хусусий тадбиркор үз жамғармасини Ўзбекистон турли банкларида үз ҳисоб счётида сақлаши, кредит ва касса операцияларини бажарып хукуқига эга ҳисобланади. Банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларда амал қилаётган қонунларга шартномаларга асосан пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоблар олиб бориши мумкин.

Банклар тадбиркор счётида пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа мұхим аҳамиятга эга бўлган хужжатларни сақлаши билан кафолатланиб боради. Банклар тадбиркорлар ва мижозлар билан бўладиган операцияларда пул эгаси томонидан топшириқ қоғози банкка келиб тувиши билан узоги 12-13 соат давомида кейинги операциялар бажарилиши зарур.

Мұлк әгалари ҳисобига пул ўтказиш тадбиркорларимиз ёки мижозларимиз томонидан тўлов талабномалар қўйилганда мижозни 10 иш куни мобайнида хабар берилади мижоз томонидан актебланган бўйса шу куни ёки шахар ичида 3 иш кунида, вилоят ичида 5 иш кунида, республика ичида 10 иш кунида бажарилиши лозим. Мижознинг ҳисоб рақамида маблаги бўлмаса юкорида кўрсатилган муддатлардан ўтса карттекасига тартиб бўйича жойлаштирилади. Агар бир қонун шартлари бўзилса мижозга йиллик фоиз миқдорида банк жарима тўлайди. Банк мижозларнинг аризасига биноан уларга тегишли операцияларни бажаради. Банклар тадбиркорларни

Республика Марказий банки томонидан киритилган ўзгаришларни, қоидаларни айниқса ҳисоблар бўйича нақд пулсиз тарздаги операциялар бўйича ўзгаришлар тўғрисида тадбиркорликни хабардор киладилар. Банк үз вақтида мижозни кечикиб ўтказған операциялари учун, пулни нотўғри ўтказғанлиги учун банк айборд сифатида хар бир кун учун мижозга ўтқазилаётган

¹Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-куватлаш тўғрисида 2005 йил 14 февралдаги Вазирлар Мажкамасининг № 55 қарори.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

суммани 3 фоизи микдорида жарима түлайди. Банкни айби билан ҳисоб хужжатлари йүқолса, мижозга хужжатда күрсатилган суммани хар бир куни учун 3 фоиз микдорда банк жарима түлайди.

Тадбиркор томонидан банкка нотүри маълумот берилган бўлса (масалан, пул ўтказиш бўйича мижозни адреси нотүри кўрсатилган бўлса) мижозлар 5000 сўм жарима түлайди, агар шу хол яна такроланса хизмат фаолият юргизиши ухтатилади. Тадбиркорлар билан банк ўртасидаги кредит бериш бўйича бўладиган операциялар икки томон ўртасида имзоланганд шартнома авоссида амалга оширилади. Операцияларни муваффақиятли бажариш учун хар бир тадбиркор “Банклар ва банк фаолияти тўрисидаги” Республика қонунларини чукур ўрганиб, унга риоя қилиши лозим. Бозор иқтисодидаги тадбиркорлик корхоналарини хаётни ва иқтисодий фаолияти валюта оаерациялари билан боғлиқлиги маълум.

Тадбиркорлик корхоналари ташки иқтисодий фаолиятини амалга оширишда ҳам миллий валюта ҳамда хориж валютасида операцияларни бажаришга тўғри келмоқда. Айниқса ташки савдо восита валюта операциялари билан боғлиқ ҳисобланади. Валюта операциялари валюта курси бўйича икки томон валютаси нисбати солиширилиб амалга оширилади. АҚШ долларлавалюта котировкасида база сифатидахалқаромайдондақабулқилинган.

Бошка мамлакатларвалютаси курс бўйича АҚШ долларига солиширилиб борилади. Доллар курси абдий бўлмай, бу ҳам ўзгариб туради. Валюта курсини ўзгариб туриши ҳар куни ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун банклар курсни банк фаолияти бошлиш вақтидаги ёки ёпилиши вақтидаги курслар бўйича ҳисоб-китоб ишларини олиб боради. Валюта курсини ўзгариб бориши ҳақида ҳар хафтада матбуотда жадвал бериб борилади. Бу ахборот тадбиркорларни иқтисодий фаолиятида мухим ҳисобланади. Валюта операцияларида асосий ўринни кредит, қимматли қоғозлар, валютани фойда олиш мақсадида сотиб олиш ва сотиш кабилар эгаллади. Хўжалик юритиш жараённида ҳозирги кичик ва хусусий мулк эгалари валюта ҳисоб-китоб счетига эга бўлиш ҳуқуқини олиб, эрkin тарзда валютани сотиб олишлари ҳам мумкин. Тадбиркорлар хориж фирмалари ва тадбиркорлари билан савдо қилишлари натижасида валютани эрkin сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Умуман бозор иқтисодиёти жаҳондаги йирик ривожланган мамлакатларни мумаладаги валюталарни мамлакат ички бозорида ҳаракат этиши учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Тадбиркорлар валюта билан боғлиқ бўлган фаолиятиларидан самарали фойдаланиб, хориж валютасига янги техника ва замонавий технология харид қилиб, ишлаб-чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида хизматни сифатини оширишга ишлаб-чиқариш соҳасида сифатли маҳсулот қилиб чиқариб унинг реализациясидан катта фойда олиш имкониятларига эга бўладилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банк кредитларининг роли кўриб чиқадиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб-чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг асосий қисмини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекталари ташкил этади. Чунки кичик корхоналар бозор шароитига тез мослашувчан ва камхаржат талаб киладиган сектор ҳисобланади. Умуман, бугунги кунда бозор иқтисодиетининг мухим талаби – кам меҳнат сарфлаган ҳолда, кўпроқ ва сифатли маҳсулот ишлаб-чиқариш, кишиларнинг талаб ва эҳтиежларини тўла қондириш ва шу асосида фойда олишдан иборат. Бунда ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи куч тадбиркорлиқдир. Республика мизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, доимий равища рағбатлантириш ва иқтисодий жиҳатдан кўллаб-куватлаш мақсадида, уларга турли хил солиқлардан озод қилиш ҳамда имтиёзи фоиз ставкаларини кўллаган ҳолда банк кредитлариридан фойдаланиш имкониятлари берилган. Лекин уларни ташкил этиши суръатлари, муттасил ривожланиб бориши умум-иқтисодий ҳаётдаги ўрни бозор иқтисодиётининг талабларига ҳали тўлиқ жавоб берга олмайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш йўлларида ҳали тўсиқлар кўп. Бозорнинг нахр-наво ўзгаришига таъсирчанлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати пастилиги ва бошқа сиёсий-иқтисодий муаммолар мавжудлиги кредит олувчининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

ИҚТІСОДИЁТНИҢ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ
ВА УНИНГ МАКРОИҚТІСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Умаров А.Т.

ЎзМУ иқтисодиёт факультети декани, и.ф.н., доц.в.б.

ИҚТІСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА ТАБИЙ ОБЪЕКТЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Инсоният иқтисодий фаолияти, унинг ривожланиши ижтимоий зарурий маҳсулотни ишлаб чиқарыш җәкми ва ахоли турмуш даражасини ошириш мақсадлари билан белгиланади. Фақат худудлардан оқилюна фойдаланыш орқалигина бу мақсадларга эришиш мумкин бўлади. Бу ерда хўжаликни худудий ривожлантиришда жойлаштириш тамоилилари ва омиллари билан бир қаторда, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ҳам биринча ўринга чиқади.

Табиий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш қонуниятлари атрофдаги олам, ҳодисаларнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлигини англаш имконини беради. Улар ер юзи худудидаги инсон мақсадга мувофиқ фаолиятининг асоси ҳисобланади ҳамда уни ўзлаштиришда илмий башоратлашга ёрдам беради.

Ишлаб чиқарувчи кучларни (хўжаликни худудий ташкил қилиш) жойлаштириш қонуниятлари жамият ижтимоий ривожланишининг келтирилган мақсадларини амалга оширишга қаратилган худудга барқарор тақрорланувчи муносабати билан тавсифланади.

Бу қонуниятларни яхши тушуниш ва пухтароқ аниқлаш учун хўжаликни худудий ташкил қилиш, жойлаштириш жараёнининг хусусиятларини қайд этиш лозим.

Биринчидан, жойлаштириш шароитларини ўзгартиришнинг узлуксизлиги ва у билан боғлиқ ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги тарихий ва худудий хилма-хиллик, худуддаги ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг кечиши. Иқтисодий воқелик алоҳида ҳодисаларнинг ҳар бир янги ҳолати (ФТТ, фойдали қазимлар конларининг очилиши, янги хабарлар йўлларини топиш ва ҳ.к.) мазкур воқеликнинг бошқа ҳодисаларни ривожлантиришда янги алоқалар, тенденцияларни ўзида мусжассамлаштиради. Уларни амалга ошириш ўзи томонидан, бошқа алоқалар, тенденциялар ва ҳ.к.ларни бериши мумкин. Янги имкониятлар сабабсиз, аммо янги воқелик ҳолатларининг натижаси сифатида юзага келади. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги ўзгаришларнинг объективлиги ва минтақалар худудий таркибини исталган вақтдаги нисбий барқарорлаштиришдан далолат беради.

Табиий ва ижтимоий-иктисодий шароитларнинг тарихий ва худудий ўзгарувчанлиги жамиятни ривожлантириш мақсадларини аниқ тарихий тўлдириш туфайли жойлаштириш тамоилилари ва омилларининг ўзаро таъсир натижалари вақт жиҳатдан ҳам, макон жиҳатдан ҳам бир хилмасдир. Дунё минтақалари ва жамиятни ривожлантиришининг ҳар бир тарихий босқичига ўзининг хўжаликни оқилюна худудий жойлаштириш шакллари, уларни белгиловчи ижтимоий-иктисодий жараёнлар ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш мос келиши керак.

Агар инсоният жамияти вужудга келишининг дастлабки даврида унинг табиатга катта боғлиқлиги туфайли ибтидоий кишининг максимал меҳнат унумдорлиги ва яхши яшаш шароитларига факат кишилар кичик гурӯхларини (қабилалар) жойлаштириш орқали эришиш мумкин бўлган бўлса, жамият ривожланишининг кейинги босқичларида эса ижтимоий меҳнат унумдорлигини ва ахоли турмуш даражасини оширишга инсон (олдинги авлод) меҳнати орқали яратилган ресурслар ва шароитлар, ишлаб чиқарыш ва ахоли концентрацияси ҳамда маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ ишлаб чиқарыш харажатларини камайтиришга ёрдам берадиган транспорт-географик алоқаларни рационаллаштириш жараёнлари катта таъсир

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

күрсатади. Оддий, бир-бира билан боғланмаган худудий хұжалик тузилмалари вақт үтиши билан ихтисослашған, иерархик таркиби билан пұхта ва узилишларсиз ййлға күйилған алоқаларға үсіб үтади. Худудлардагы ижтимоий-иктисодий жараёнлар күпинча глобал, үзаро боғлиқ тавсифға әга.

Иккінчидан, жойлаштириш омилларининг күп сонлилігі, улар мазмунининг вақт ва макондаги ўзғаруышанлығы, күплаб табиий ва ижтимоий –иктисодий жараёнларнинг стохастиклиги, хұжалик худудий тузилмаларнинг тарихий жойлаштирилиши, қарорлар қабул қилишдеги экспертизлік ва ҳ.к.лар түфайли жойлаштиришда қатып дөтмеринантланған боғлиқликтарни (қонуниятларни) ажратыш жуда қыиң, тұғрироғи, мумкін емас.

Жамияттың ривожлантиришнинг күрсатылған хусусиятлари ва мақсадларини ҳисобға олиб, уни ривожлантиришнинг қозырги босқичида ишлаб чиқарувчи күчларни жойлаштириш ва хұжаликни худудий жойлаштиришда қуйидагилар белгиловчы қонуниятлар ҳисобланады:

- ер шари минтақалари (мамлакатлар) бүйічка ақоли ва ишлаб чиқаришни жойлаштириш, янги худудларни ўзлаштириш;
- хұжаликни тизимли ташкил қилиш, турли ранг худудий хұжалик тизимларини шак-лантириш;
- хұжаликларнинг худудий таркиби (ХХТ) марказларыда, уларға туташ худудларда ва асосий транспорт магистралларыда ишлаб чиқарыш ва ақолининг концентрациялашуви, минтақа худудларнинг интенсив ўзлаштирилған хұжалик зоналарини ташкил қилиш;
- интенсив ривожланаётган худудлар ва худудий табиий ландшафтларни макон жиһатдан ажратыш.

Биринчи қоиданынг мазмұны түшүннарлы. Ер шари минтақалари бүйічка ишлаб чиқарыш ва ақолини жойлаштириш худудлар бүйічка ресурсларни дисперс тақсимлаш ва уларнинг ҳар бир минтақадағы чекләнгандығы билан белгиланады.

Асримиз бошларда ер іюзи ақолиси (Африка, Осиё ва Европа) жойлашған тұманларда буғунғы кунда ақоли салмоғи 96% дан 80% гача камайды. Суст жойлашған тұманлар (Америка, МДХ, Австралия ва Океания) 5 мартаға ўғы (4% дан 20% га). Маңсұлот ишлаб чиқарыща минтақалар салмоғи бир марта бўлмаган миқдорға ўзгарди, бунда тенглаштириш тенденцияси кузатилади. Ҳозырги вақтда дунёнинг уч қисми (Шимолий Америка, Европа ва Осиё) ЯИМ ишлаб чиқарышнинг таққослама җәхмларига әга. Жанубий Америка, Океания ва Австралияның жаҳон ишлаб чиқарышидаги салмоғи эса ошди.

Иккисідай ва ижтимоий ривожланишдаги худудий тафовутларнинг камайиши дунё-нинг күплаб ривожланған мамлакатлари минтақавий сиёсатининг асосий вазифаларыдан биридир. Европа ҳамкорлығы иктисодий ва ижтимоий интеграцияны мустаҳкамлаш учун турли минтақаларнинг ривожланиш даражалари үртасидаги тафовутларни ва ноқуляйроқ минтақаларнинг қолоқлигини бартараға этишга қаратилади¹. Ўзбекистоннинг совет давридаги ривожланишида мамлакатнинг күчсиз ўзлаштирилған худудларининг салмоғи деярли 10 марта ўғы. Республикада минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиши даражасидаги худудий тафовутларни камайтириш дастури қабул қылғанын ва амалға оширилмоқда.

Юқорида көлтирилгандар вә хұжаликни худудий ташкил қилиш таҳлилиларынанған башқа күплаб натижалары қатор олимларнинг тұманлар иктисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаларини тенглаштиришин бозор мунисабатлары ривожланған шароға ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг мұхим қонуниятларидан бири, деб ҳисоблашларига имкон берді².

Минтақаларда ишлаб чиқарувчи күчларни тизимли ташкил қилиш инсоният ривожланишнинг умумий мақсади, ресурсларнинг худудий жойлаштирилиши ва уларнинг иктисодий макон

¹ Уишлейд Ф., Юилл Д. Система выделения регионов в Европе: возможные уроки для России. // Региональная политика, направленная на сокращение социально-экономической и правовой асимметрии. -Новосибирск.: Экор, 2000. с.141.

² Региональная экономика: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. / под ред. Т.Г.Морозовой. 4-е изд., перераб. И доп. М.: ЮНИТИ –ДАНА, 2008. с. 48.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

ҳар бир нуқтасидаги чекланганлиги билан белгиланади. У минтақалар хўжаликлари ривожланишининг комплекслиги, ҳар бирининг рақобати ижтимоий зарурӣ маҳсулот маълум турларини ишлаб чиқаришга ихтинослашувини ва минтақалар интеграциясини кўзда тутади. Туманлар ихтинослашуви ва ихтинослашган маҳсулотларни айирбошлаш узлуксизлиги, уларни ўз навбатида, хўжаликни тизимли ташкил қилиш билан белгиланган худудий меҳнат тақсимоти қонуний жараёнининг намоён бўлиши сифатида ўрганиш зарур. Охирги 30 йил мобайнида жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ташкил қилишга ихтинослашган маҳсулотларни айирбошлаш узлуксизлиги, уларни ўз навбатида, хўжаликни тизимли ташкил қилиш билан белгиланган худудий меҳнат тақсимоти қонуний жараёнининг намоён бўлиши сифатида ўрганиш зарур. Охирги 30 йил мобайнида жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ташкил қилишга ихтинослашган маҳсулотларни айирбошлаш узлуксизлиги, уларни ўз навбатида, хўжаликни тизимли ташкил қилиш билан белгиланган худудий меҳнат тақсимоти қонуний жараёнининг намоён бўлиши сифатида ўрганиш зарур. Охирги 30 йил мобайнида жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ташкил қилишга ихтинослашган маҳсулотларни айирбошлаш узлуксизлиги, уларни ўз навбатида, хўжаликни тизимли ташкил қилиш билан белгиланган худудий меҳнат тақсимоти қонуний жараёнининг намоён бўлиши сифатида ўрганиш зарур. Охирги 30 йил мобайнида жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ташкил қилишга ихтинослашган маҳсулотларни айирбошлаш узлуксизлиги, уларни ўз навбатида, хўжаликни тизимли ташкил қилиш билан белгиланган худудий меҳнат тақсимоти қонуний жараёнининг намоён бўлиши сифатида ўрганиш зарур. Охирги 30 йил мобайнида жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ташкил қилишга ихтинослашган маҳсулотларни айирбошлаш узлуксизлиги, уларни ўз навбатида, хўжаликни тизимли ташкил қилиш билан белгиланади¹.

Минтақа хўжалигининг комплекс ривожланиши бу ихтинослашган ва туман ички истеъмоли тармоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ҳаражатларни камайтиришга, аҳоли турмуш дараҷасининг яхшиланишига олиб борадиган маҳаллий ресурслар асосида минтақада ўзаро белгиланган, ўзаро боғлиқ тармоқларнинг ривожланишидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, саноат маҳсулоти ва ЯИМ ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси бўйича минтақавий тафовутлар мавжуд. Мамлакатда иқтиносидий ислоҳотлар бошланган пайдан бўён минтақавий сиёсат йирик саноат обьектларини бой табиий ва меҳнат ресурсларига эга бўлган туманларда жойлаштириш йўли билан номутаносибликларни бартараф этишга қаратилган эди.

Автомобиль заводининг қурилиши ҳамда бошқа саноат тармоқларининг ривожланиши билан боғлиқ равишда Андижон вилояти маҳсулот ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларига эришди, бу унинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улушида акс этди. Вилоят мазкур кўрсаткич бўйича Навоий, Фарғона ва Тошкент вилоятлари каби саноати ривожланган вилоятлар дарасигаси чиқиб олди. Нефть ва газни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳисобига динамик ривожланиш туфайли Бухоро ва Қашқадарё вилоятларини ҳам ўз ортидан эргаштириди. Бироқ жадвалдан кўриниб турганидек, саноат ишлаб чиқариши, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши ривожлантириш бўйича минтақавий тафовутлар ҳали анча катталигича сақланмоқда.

Минтақаларнинг ўсиб борувчи интеграцияси, кўплаб ижтимоий-иқтиносидий жараёнларнинг глобаллашуви туфайли республика алоҳида олинган минтақаси тармоқ ва худудий таркиби-нинг шаклланishi ижтимоий ривожланиши ва ишлаб чиқариш шароитлари (ресурслар) худудий табакаланишининг кўрсатилган мақсадларидан келиб чиқиб, дунё ва мамлакатлар бошқа худудий тузилмаларидаги шу сингари жараёнлар билан узвий алоқада бўлади. Минтақаларда турли ранг XХТ шаклланмоқда.

Ўзлаштирилган туманларда ишлаб чиқариш ва аҳоли концентрацияси худудий боғлиқлиги уларнинг асосий хабарлашиш ҳудудларида ётадиган ҳудудий тузилмалар марказларига давомли ва барқарор силжишларини белгилайди.

Ишлаб чиқариш ва аҳоли силжишлари ҳар бир XХТ учун хос, аммо ресурс салоҳиятларидаги маълум тафовутлар туфайли улар марказларининг бирлашиш кучлари нисбати бир хил эмас. Йирик XХТ маъмурий-хўжалик марказлари, агломерациялар, ўта юқори ва йирик шаҳарлар аҳоли ва ишлаб чиқариш (кatta агломерация самараси, юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги ва б.) ни яқинлаштиришнинг катта салоҳияти эга.

Биргина агломерацион омилнинг амал қилиши натижасида мазкур шаҳарлар ва уларга туаш ҳудудларда корхоналарни жойлаштиришдан иқтиносидий самара (иншоотлар ва обьектлар эксплуатациясига ҳаражатларни тежаш) 40% гачани, ўзлаштирилмаган туманларда уларни қуриш ва эксплуатация қилиш умумий қийматидан кўпроқни ташкил этади. Паст ранглар марказида ва уларга туташган ҳудудлarda аҳоли ва ишлаб чиқариш кам кўлламларда жойлашади.

Паст рангларнинг алоҳидалашган маъмурий марказлари кўпинча ишлаб чиқариши қисқартиради ва аҳолисини ўйқотади. Охирги 300 йил ичida шаҳар аҳолиси сонининг дина-

¹ Введение в экономическую географию и региональную экономику России: учеб. Пос. для студентов высших учеб. Заведений. Ч.1. / под общ. ред. В.Г.Глушковой, А.А. Винокурова. М.: ВЛАДОС-ПРЕСС, 2003.с408.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

микаси юқорида айтилғанларнинг ифодаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Дунё бўйича шаҳар аҳолиси 1800 йилда таҳминан 27 млн. кишини ўша пайтдаги дунё аҳолисининг қарийб 3% ини), 1900 йилда 218 млн. (13,6%), 2000 йилда 2926 млн. (47,5%) ни ташкил этди¹. Кўрсатилган даврда, айнича, охирги юз йилликда агломерациялар, ўта йирик ва йирик шаҳарлар юқори суръатлар билан ўсади.

Бироқ аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг шаҳар чегараларида концентрациялашуви фан ва техниканинг ривожланиши маълум даражаси ва ресурслар чекланганлиги шароитида ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик чегараларига эга. Концентрация даражаси тегишли бандлар ижтимоий –иқтисодий заҳиралари ва табиий ресурслари билан белгиланади. Бу ресурсларнинг (уларнинг асосий қисми) кўпчилиги тугаган ва янгиланмайдиганлари тоифасига киради.

Шаҳарлар ресурсларидан фойдаланиш чегараларига еришишда марказдан қочувчи кучлар марказга интиљубчи кучлардан ошиб кета олмайди. Йирик шаҳарларда ишлаб чиқариш ва аҳоли концентрацияси номарказлашиб жараёнига алмашинади. Шаҳарларга туаш ва асосий транспорт магистралларига яқин жойлашган ҳудудлар корхоналар ва аҳолини жойлаштириш учун кулайроқдир. Минтақа ҳудудларини интенсив ўзлаштириш асосий транспорт артерияларини шаҳарлардан ўтказиш ўйналишида боради: шаҳарлар агломерацияларга ўсиб ўтади, транспорт магистралларига яқин ҳудудлар жадал суръатлар билан ривожланади, ҳудудларни интенсив ўзлаштириш чизиқли-ўқли шакллари шаклланади, минтақалarda хўжаликлар субурбанизацияси жараёни ривожланади.

Ҳудудларни интенсив ўзлаштириш полюслари ва ўқларининг вужудга келиши ҲХТ марказлари ва уларнинг асосий транспорт магистралларига яқин жойлардаги иқтисодий ва ижтимоий-географик ҳолатига қараб дифференциал рента яратилади. Бу ҳудудларни жойлаштириш ва бу ерда ишлаб чиқариши ривожлантиришдан барқарор иқтисодий ва ижтимоий самара яратилади. Шу тартика ҳудудларда микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши диалектик қонуни пайдо бўлади.

Адабиётлар:

1. Уишлейд Ф., Юилл Д. Система выделения регионов в Европе: возможные уроки для России. // Региональная политика, направленная на сокращение социально-экономической и правовой асимметрии. –Новосибирск.: Экор, 2000. с.141.
2. Региональная экономика: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. / под ред. Т.Г.Морозовой. 4-е изд., перераб. И доп. М.: ЮНИТИ –ДАНА, 2008. с. 48.
3. Введение в экономическую географию и региональную экономику России: учеб. Пос. для студентов высших учеб. Заведений. Ч.1. / под общ. ред. В.Г.Глушковой, А.А. Винокурова. М.: ВЛАДОС-ПРЕСС, 2003.с. 408.
4. Курнышев В.В. Региональная экономика. Основы теории и методы исследования: уч. Пос. –М.: КНОРИУС, 2010. с.255.
5. Самуэльсон П. Основания экономического анализа: пер. с англ. / под ред. П.А Ватника. СПб. : Экономическая школа, 2002. с 354

¹ Курнышев В.В. Региональная экономика. Основы теории и методы исследования: уч. Пос. –М.: КНОРИУС, 2010. с.60.

Чоп этишга _____.2016 йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. 14,5 6.т. Офсет босма усулида босилди.
Адади ____ дона.
_____ босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № _____